ВАТАНПАРВАР

УЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУДОФАА ВАЗИРЛИГИНИНГ МАРКАЗИЙ МАТБУОТ ОРГАНИ

● 1995 йил, 2 май, сешанба № 52 (534). ● Сотувда эркин нархда

Газета 1992 йилнинг 24 июнидан чиқа бошлаган.

ЦЕНТРАЛЬНЫЙ ПЕЧАТНЫЙ ОРГАН МИНИСТЕРСТВА ОБОРОНЫ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

● Вторник, 2 мая 1995 г. № 52 (534). ● В розницу — цена свободная

Газета издается с 24 июня 1992 г.

● ЭЗГУЛИККА ИУҒРИЛГАН ФАРМОН

МАМНУН БЎЛДИЛАР

Яқинда Юртбошимиз имзо чеккан «1941—1945 йиллардаги уруш қатнашчиларини ва мамлакат ичкарисида ишлаган меҳнаткашларни фашизм устидан қозонилган Ғалабанинг 50 йиллиги байрами муносабати билан мукофотлаш тўғрисида»ги Фармон барча кекса дилларни қувонтиргани рост. Абдуғаффор ота Ҳошимов ўша қонли, суронли йилларни бевосита бошдан кечирган зот. У киши бугунги осойишта кунлар осонликча келмаганини яхши билади. Урушда минглаб ўзбек ўғлонлари ҳам қурбон бўлишди. Тирик қолганлари доимо эзу юртимиз хизматида, иззату эҳтиромида. Уруш ва меҳнат фахрийларига кўрсатилаётган ғамхўрликлар, берилаётган имтиёзлар талай. Отахон Ғалаба муносабати билан кексаларни мукофотлаш тўғрисидаги Фармонни ўқиб, беҳад мамнун бўлдилар.

— Уруш инсоният бошига не-не азоб, алам ва изтиробларни солмади, — дейдилар Абдуғаффор ота. — Не-не алпкелбат, навқирон йигитларнинг умид гуллари сўлди. Шунга ҳам 50 йил бўлаётибди. Яқинда эълон қилинган Президентимизнинг Фармонини ўқиб, кўнглим тоғдек кўтарилди. Бу чинакам эзгуликка йўғрилган Фармондир.

Отахон ўз умрларининг 35 йилини халқ хўжалигига бағишлаганлар. Бугун маҳаллада ёшларга бош-қош. Халқ орасида ўз ўринлари, нуфузлари бор. Ўсмирлар билан учрашувларда уларга ўз хотиралари, кечмиш кунлари ҳақида сўзлаб берадилар.

Мамлакатимизнинг турли ҳудудларида яшаётган қуролдош дўстлари кўпинча отахоннинг азиз меҳмони бўлишади. Шундай пайтларда хотиралар хотирага уланади.

Уруш қайтарилмаслиги керак. Бунинг учун оламни фашизм асоратидан сақлаб қолган отахонларни неваралари чеваралари бугунги кунда уларнинг мардлик ва жасоратларини қалбига жо айлаб, мустақил Ўзбекистонимизнинг тинч-осойишини ҳимоя қилмоқдалар.

Р. МУХТОРАЛИЕВ,
жамоатчи мухбиримиз.

Реальное проявление заботы

Опубликован Указ Президента Республики Узбекистан «О награждении участников войны и тружеников тыла 1941 — 1945 годов в связи с празднованием 50-летия Победы над фашизмом». Согласно этому указу все фронтовики и труженики тыла будут награждены юбилейной медалью «50 лет Победы над фашизмом в войне 1941 — 1945 г.».

Это высокая честь для нас, ветеранов войны и труда, получить вслед за медалями «Жасорат» и «Шухрат» еще одну государственную награду нашей независимой страны.

Одновременно Указ устанавливает и единовременное денежное вознаграждение в размере трехкратной минимальной заработной платы для участников войны и двукратной — для тружеников тыла. В этом государственном акте мы видим еще одно реальное проявление заботы нашего независимого государства о нас, ветеранах.

Лейтенант в отставке
И. ТЯПУГИН.

1-курс курсанти Шавкат Ҳидоятов навбатдаги машғулотда ўз назарий билимларини мустаҳкамламоқда.
А. МАНТРОВ суратга олган.

УКАЗ
ПРЕЗИДЕНТА РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН
О СОВЕТЕ НАЦИОНАЛЬНОЙ БЕЗОПАСНОСТИ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

В соответствии с решениями первой сессии Олий Мажлиса Республики Узбекистан первого созыва, в целях выработки и координации государственной политики по вопросам национальной безопасности:

1. Создать при Президенте Республики Узбекистан Совет национальной безопасности — совещательный орган по вопросам внутренней и внешней политики государства в области обеспечения безопасности.

2. Утвердить Положение о Совете национальной безопасности Республики Узбекистан и состав его членов.

3. Министерству обороны Республики Узбекистан совместно с соответствующими министерствами и ведомствами разработать проект Закона «О национальной безопасности» для последующего внесения его на рассмотрение Олий Мажлиса Республики Узбекистан.

Президент Республики Узбекистан
И. КАРИМОВ.

гор. Ташкент, 1 мая 1995 года.

ОБ ОТКРЫТИИ ВТОРОЙ СЕССИИ ОЛИЙ МАЖЛИСА РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН ПЕРВОГО СОЗЫВА

Вторая сессия Олий Мажлиса Республики Узбекистан первого созыва открывается 5 мая 1995 года в 9 часов в зале заседаний Олий Мажлиса Республики Узбекистан.

К СВЕДЕНИЮ ДЕПУТАТОВ ОЛИЙ МАЖЛИСА РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

Регистрация депутатов Олий Мажлиса Республики Узбекистан будет производиться 4 мая с 9 часов до 18 часов в фойе зала заседаний Олий Мажлиса Республики Узбекистан.

● ЧАҚИРУВ-95

Эзгу ишларимизни ниҳоясига етказайлик

Яқинда Тошкент вилоятн ҳокимлиги маҳкамасида вилоят чақирув комиссияси вакилларининг навбатдаги ҳисоботйиғилиши бўлиб ўтди. Уни Тошкент вилояти ҳокими ўринбосари, вилоят чақирув комиссиясининг раиси Д. Н. Жаҳонгирова очди ва олиб борди.

Маълумки, 1 апреддан эътиборан Қуролли Кучларимиз сафларига баҳорги чақирув давом этмоқда. Муддатли ҳарбий ва муқобил хизматга лойиқ, деб топилган чақирилувчилар ўз Конституциявий бурчларини ўташга жалб этилаяпти. Район ва шаҳар чақирув комиссиялари вакиллари бўлғуси ҳарбий хизматчиларни тиббий кўрикдан ўтказиш, ҳужжатларини жойжойига қўйиш борасида кўпгина ишларни амалга оширдилар.

Тошкент вилояти Мудофаа ишлари бошқармаси бошлиғи, полковник П. Р. Ражабов апрель ойи чақирув натижалари ва мавсумни муваффақиятли ўтказиш бўйича қилинаётган ишлар юзасидан ахборот берар экан, жумладан шундай деди:

— Бугунги йиғилишимиз аниқ мақсад — ўзаро фикр алмашиш, чақирув ишларидаги ютуқ ва камчиликлар юзасидан ҳамжиҳатликда маслаҳатлашиб олишдир. Шу кунга қадар барча шаҳар ва район чақирув комиссиялари аъзолари зиммаларидаги вазифани шараф билан уддалашаяпти. Текширув натижаларига кўра Оққўрғон, Қуйи Чирчиқ районлари ва Чирчиқ шаҳри чақирув комиссиялари амалга ошираётган ишлар намунали деб топилди.

Афсуски, муддатли ҳарбий ва муқобил хизматга чақирув борасида Бўка ва Бекобод, Ангрен ва Янгийўл шаҳарларида олиб борилаётган ишлар қувонарли эмас. Мисолларга мурожаат қилайлик: Янгийўл шаҳрида шу йилнинг апрель ойида ўтказилган текширувда чақирув комиссиясининг ишрежаси йўқлиги, чақирилувчиларнинг ўз вақтида тиббий кўрикдан ўтказилмаётгани, носоғлом деб топилган ёшларнинг вақтида даволанмаётганликлари, хизматдан бош тортган айрим эркатойлар билан ички ишлар ходимларининг вақтида шуғулланмаётганлари маълум бўлди.

Бўка районида ҳам бу хилдаги камчиликлар йўқ эмас. Чақирув участкалари керакли тиббий жиҳозлар билан тўлиқ таъминланмаган. Шунингдек. Бекобод ва Ангрен шаҳарларида ҳам бу борада етишмовчиликлар борлиги аниқланди.

Ҳарбий хизмат — барчанинг иши. Муқаддас она-Ватан хизматидан бош тортишга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ. Афсуски, айрим районлардаги баъзи мансабдор шахсларнинг ўз лавозимларини суиистеъмол қилиш ҳолларн ҳам кузатилмоқда. Масалан, Зангиота райони Давлат автомобиль назорати бошлиғи, милиция майори Ф. Зайниддинов ўз ўғлининг район чақирув комиссиясидан хизматга лойиқ деб топилганига қарамай, «Назарбек» қишлоқ касалхонасига ётқизган. Касалхона бош врачи ҳам бу қонунбузарликка йўл қўйган. Бош врачнинг қонун талабларини қўполликча бузганлиги ва милиция майори Ф. Зайниддиновнинг ўз мансабини суиистеъмол қилганлиги ҳақидаги маълумотдан мутассадди ташкилот раҳбарлари огоҳ этилди.

Шунингдек, Республикамизнинг «Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида»ги Қонунига асосан 17 ёшга тўлганлар ҳарбий ҳисобга туришлари шарт. Ўз вақтида ҳисобга олинмаган ёшларни муддатли хизматга кечикиб чақириш ҳоллари ҳам содир бўлмоқда. Баъзи қишлоқ кенгашларидаги мансабдор шахслар, ташкилот, корхона раҳбарлари чақирув ишларига масъулият билан қарамаяптилар. Шу боис айрим районлардаги бир қанча ёшлар ҳарбий ҳисобга кечикиб олинмоқда.

Йиғилишда сўзлаган Тошкент вилояти ҳокимининг ўринбосари, вилоят чақирув комиссиясининг раиси Д. Н. Жаҳонгирова кўрсатиб ўтилган хатолардан хулоса чиқариб, чақирув ишларини муваффақиятли якунлаш ҳақида гапирди.

— Бу эзгу ишда ҳар бир киши жонбозлик кўрсатиши зарур, кимки масъулиятни ҳис қилмаса ким бўлишидан қатъи назар, албатта жазоланади. — деди у. — Қисм ва бўлинмаларга юборилаётган ёшлар каттa тантана, ўйин-кулгу билан кузатилсин. Уларнинг бундан руҳи кўтарилиб, ҳарбий хизматнинг муқаддас ва шарафли эканлигини ҳис қилишади.

Бу йил фашизм устидан қозонилган Ғалабага 50 йил тўлади. Ўғлонларимиз азиз отахонларимиз жасоратларини давом эттиришсин. Фахрийларга ҳурмат-эҳтиром кўрсатишсин. Эзгу ишларимизни муваффақиятли ниҳоясига етказайлик.

Йиғилишда иштирок этган Мудофаа вазирлиги масъул ходимлари, чақирув комиссиялари раислари, ҳокимлар ўринбосарлари, мудофаа ишлари бўлимлари бошлиқлари, вилоят аҳолига транспорт хизмати кўрсатиш бошқармаси, вилоят прокуратураси, ички ишлар бошқармаси, соғлиқни сақлаш бўлими, ҳарбий-тиббий комиссияси масъул ходимлари чақирув ишларининг бориши ҳақида ўз фикр-мулоҳазаларини билдирдилар.

Ю. РАСУЛОВ,
жамоатчи мухбиримиз.

● ҚИСМ ВА БЎЛИНМАЛАРДАН ХАБАРЛАР

ВАТАН РАВНАҚИ ЙЎЛИДА

Мен хизмат қилаётган бўлинма аҳил солдатлари синов машғулотларида фақат аъло натижаларга эришишни ягона мақсад қилиб олган эдилар. Ва жанговар тайёргарлик малакаларини тўла намоён этган бўлинмамиз жангчилари юксак натижалар кўрсатиб, етакчилар қаторидан жой олди.

Менинг фикримча, ушбу ютуқларимизнинг уч асосий мезони мавжуд. Командиримиз сержант Р. Хен, авваламбор, тартиб-интизомни устивор ўринга қўйган. Жангчининг шахсий интизоми, унинг маданияти, ахлоқ-одоби, қолаверса, боғча остонасидан армия бўсағасига қадар олган таълим-тарбиясига боғлиқ. Оқ ёқани ўз вақтида алмаштириш, оёқ кийимни мойлаб туриш, аслида кўп меҳнат талаб қилмайди. Бироқ, ана шу бир қарашда майда туюлган юмуш, вазифа ҳар бир жангчини озодаликка, саришталикка, таъбир жоиз бўлса, ҳафсалаликка ўргатади. Айни беҳафсалалик, пала-партишлик, беэътиборлилик, охир-оқибат, жамоа тартиб-интизомига путур етказади. Бу эса табиийки, шахсий таркибнинг жанговар тайёргарлигига салбий таъсир этиши шубҳасиздир.

Синовдаги муваффақиятларимизнинг яна бир омили— бу ҳар бир солдатнинг касб маҳоратларини пухта билишлари ва ўзлаштиришларидадир. Д. Ўринбоев, Қ. Зокиров, З. Ҳакимов каби оддий аскарлар ўз билим даражаси ва касб-маҳоратларини қунт билан оширмоқдалар. Улар ҳар бир дақиқадан унумли фойдаланиш билан бирга, ўз тенгдошларини ҳам чуқур билим эгаси бўлишга ундамоқдалар.

Муваффақиятларнинг яна бир негизи биз учун яратилган шарт-шароитлар билан боғлиқдир. Хизматдан бўш пайтларимизда кўнгилли дам олишимиз учун телевизор, радио, кинозаллар хизматимиздадир. Халқимизда куч— бирликда, деган нақл бор. Ҳар бир жангчи сидқидилдан хизмат қилса, Ватанимиз янада қудратли ва келажаги порлоқ бўлади.

Оддий аскар
Р. АБДУҲАМИДОВ.

ТЕХНИКА—ДОИМИЙ ҲАМРОҲИМИЗ

Ёшлик инсоннинг кучли, ва қудратли, чарчамас, довюрак давридир. Ёшликда олган билим бир умрга татийди, тажриба эса келгуси ютуқларга замин ҳозирлайди. Армия бизнинг ҳаётимизда билим ва тажриба орттириш учун мактаб бўлди.

Ўрта мактабда ўқиб юрган пайтларимизда телеэкран орқали танк, ёки ҳарбий ракеталар кўрсатишса, ҳавас билан қарар эдик. Эндиликда эса ўзимиз танк бошқаряпмиз. Техника — автомобилчиларнинг доимий ҳамроҳи. Техника билан жиддий ишлаш эса кишидан қунт, билим талаб қилади.

Даставвал ҳарбий хизматга келганимда уничалик кўникма олмадим. Кейин эса армия ҳаёти мени ўзига тортди, меҳр уйғотди. Армияда бир дақиқа вақт ҳам бекор кетмайди. Бу эса кишини фойдали меҳнатга ўргатади. Албатта, хизматдан сўнг дам оламиз, ҳордиқ чиқарамиз. Кунлар қандай ўтаётганини эса сезмай қоласиз. Менинг ҳарбий хизматни бошлаганимга бир йилдан ошиқ вақт ўтди. Армияда жуда кўп дўстлар орттирдим. Устозларимдан эса мураккаб ҳарб илмини ўргандим. Жумладан, катта лейтенантлар — Х. Отахонов, А. Сатторов ва лейтенант С. Худойназаровлар менга ҳарб илмидан пухта сабоқ олишимда ўз ёрдамларини аямадилар. Танк билан ишлаш, бошқариш, ундан ўқ узиш сирларини эса катта лейтенантлар — С. Шарипов, Т. Энназаровлар менга ўргатишди.

Эндиликда навбат, билим ва тажрибаларимни ёш аскарларга ўргатишдир. Жумладан, оддий аскарлар—А. Ҳасанов, О. Оролов, К. Ғаниев ва Т. Ширинбоевларга танкни моҳир бошқаришни астойдил ўргатмоқдаман.

Оддий аскар А. МУРОДОВ.

Ниятим сидқидилдан хизмат қилиш

Мен сўлим ва навқирон Қашқадарё вилоятининг Китоб туманида туғилганман. Ҳарбий хизматга чақирилганимга эса роппа-роса саккизинчи ой тўлаяпти. Ҳарбий хизматда энг дастлабки ўрганишимиз зарур бўлган қоида — бу сафда юришдир. Ўқув машғулотларида бизни капитанлар—У. Аҳмедов ва К. Қурбоновлар ҳам руҳан, ҳам жисман чиниқтириб, маҳоратимизнинг ошишига катта ёрдам бердилар.

Эндиликда армия жонажон уйимизга айланди. Хизматдан бўш пайтларимизда китоб, газета-журнал ўқиймиз, радио эшитиб, телевизор кўрамиз. Бўлинмамиз аскарлари республикамизнинг турли вилоят, туманларидан келишган. Улар билан аҳил, дўст бўлиб, хизматни ўтаяпмиз. Оиламизда мен энг кенжа фарзанд ҳисобланаман. Акаларим ўз йигитлик бурчларини виждонан ўтаб қайтишган. Мен ҳам сидқидиллан хизмат қилиб, ёрут юз билан ўйга қайтиб боришни ният қилганман.

Оддий аскар
Н. ЮСУПОВ.

● ИДЕТ ПОДГОТОВКА К ПАРАДУ ПОБЕДЫ

Нам выпала высокая честь

Нет больше чести для воина-узбекистанца в эти дни, когда все народы мира празднуют 50-летие Победы над фашизмом, чем право принять участие в параде, который будет проводиться в столице независимого Узбекистана. Лучшие из лучших пройдут 8 мая по площади Мустакиллик, демонстрируя высокую выучку наследников героев войны 1941 — 1945 годов. Вот что говорят о предстоящем событии будущие участники парада:

Старший лейтенант О. Мугабеков:

— Наши деды и отцы в мае 1945 года победили фашизм, освободили мир от коричневой чумы. Они по праву называются поколением победителей. Сегодня мы их наследники и поэтому хочется пройти так, чтобы своей выправкой и выучкой доказать, что мы достойные их продолжатели.

Прапорщик А. Эммануилов:

— 50-летие Победы это для каждого из нас очень близкий и дорогой праздник.

На тренировках я вглядываюсь в лица своих товарищей и сослуживцев. В нашей шеренге, к примеру, идут плечом к плечу подполковник Н. Джапаров, подполковник Т. Мамедов, старший лейтенант Д. Летков, прапорщик А. Мурадов. Все они, от прапорщика и до подполковника, тренируются с полной отдачей сил, понимая значение предстоящего события.

Младший лейтенант К. Тешабаев:

—У нас у всех одна задача — достойно представить Вооруженные Силы Республики Узбекистан на всенародном празднике Победы. Ее выполнению каждый участник парада отдает все свои силы и энергию. Наш народ должен наглядно убедиться, что на страже его мира и спокойствия стоят достойные наследники боевой славы отцов.

Капитан Б. ДЖУРАЕВ.

● ПО СЛЕДАМ КОНТРОЛЬНОЙ ПРОВЕРКИ

Высокими показателями в боевой учебе встречают 50-летие великой Победы воины разведывательного подразделения, где служит капитан П. Медведчиков. Прошедшие недавно итоговые занятия за зимний период обучения показали, что разведчики достойно продолжают лучшие боевые традиции фронтовиков.

Действовали по-фронтовому

Так, группе захвата, которую возглавлял старшина сверхсрочной службы Виталий Фонда, была поставлена задача захватить пленного из выдвигавшихся резервов «противника». Действуя в глубоком тылу, воины-разведчики умело использовали и фронтовой опыт отцов и дедов. Устроив завал на узком участке дороги, они остановили машину «противника». А когда находящиеся в автомобиле военнослужащие попытались освободить дорогу, разведчики Дильмурат Махмудов, Расулджон Насыров, Рамзбек Султанов, Айбек Халиков и Махаммад Мамажонов в рукопашной схватке обезоружили «противника» и захватили пленных.

Старший начальник высоко оценил уровень тактической выучки и физической подготовки разведчиков. Примечательно, что многие из воинов-разведчиков, показавшие в ходе контрольных занятий высокие результаты, намерены надолго связать свою жизнь с Вооруженными Силами независимого Узбекистана. Сержант Ибайдулло Касымов, один из лучших стрелков подразделения, к примеру, собирается поступать в военное училище. Достойная смена есть сегодня у ветеранов-фронтовиков!

Рядовой А. НОРМАТОВ.

РЕСПУБЛИКАДА — В РЕСПУБЛИКЕ

Термиз Давлат Университетининг икки олими — физика-математика фанлари докторлари Н. Тўраев билан Э. Тўраев бир вақтда ЮНЕСКО қошидаги Ахборотлаштириш халқаро академиясининг ҳақиқий аъзоси бўлди.

***

Тошкент шаҳрида кўчмас мулкларнинг навбатдаги кимошди савдоси бўлди. Унда савдо дўконлари, ер майдонлари ва енгил автомашиналар сотувга қўйилди.

Аукционда дастлабки баҳоси уч миллион 214 минг сўм бўлган мулклар саккиз миллион 735 минг сўмга харид қилинди.

***

Хоразм вилоят марказий туғруқхонаси замонавий тиббиёт ускунасига эга бўлди. Уни Германиянинг «Драйже» фирмаси мутахассислари туғруқхонага ўрнатиб бердилар. Ускуна нихчам, фойдаланишга қулай бўлиб, уни «Тез ёрдам» машинасига ҳам ўрнатиш мумкин.

***

К частным предприятиям Шерабадского района, производящим продукцию и оказывающим различные услуги, прибавилось еще одно — по ремонту автомобилей. Несколько человек, работающие здесь, благодаря высокому профессионализму выполняют заказы в самые короткие сроки.

***

В Намангане прошла научно-практическая конференция «Узбекистан на пути коренных реформ». Ученые Наманганского университета, инженерно-экономического института, правоведы выступили с анализом хода социально-экономических преобразований и предложили свои рекомендации.

ҲАМДЎСТЛИКДА — В СОДРУЖЕСТВЕ

Россия Федерацияси Давлат Думаси раиси Иван Рибкин раҳбарлигидаги делегация Японияга ташриф буюрди. Сафар давомида делегация аъзолари Япония Бош вазири Томиити Мураяма, Бош вазир ўринбосари, Ташқи ишлар вазири Иоэем Коно ва бошқа ҳукумат раҳбарлари билан учрашди.

***

Украина Президенти Леонид Кучманинг Чехия Республикасига давлат ташрифи ниҳоясига етди. Ташриф давомида икки мамлакат раҳбарлари Украина ва Чехия ўртасидаги дўстлик ва ҳамкорлик ҳақида битим имзоладилар.

***

Президент Мирча Снегур сообщил, что Молдова до 1 июня нынешнего года станет членом ЕС, в состав которого сегодня входят 23 государства.

***

Президент Азербайджана Гейдар Алиев, принимавший делегацию Организации за безопасность и сотрудничество в Европе, сказал, что он является сторонником мирного урегулирования конфликта в Нагорном Карабахе.

ЖАҲОНДА — В МИРЕ

Ироқ парламенти Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Ироққа хориждан фақат озиқ-овқат маҳсулотлари харид қилиш учун чекланган миқдорда ўз нефтини сотишга ижозат бериш тўғрисидаги қарорини мамлакат суверенитетини камситувчи ва унинг ички ишларига аралашувчи ҳужжат сифатида рад этди.

***

Покистон ҳарбий саноати мутахассислари реактив снарядларни ташишнинг янги такомиллашган тизимини ишлаб чиқди. Ушбу муваффақият мамлакат ҳарбий қўшинларининг хорижий қурол-аслаҳага бўлган эҳтиёжини камайтиради, дейилади шу мавзудаги матбуот хабарида.

***

Северная Корея приняла решение закрыть некоторые свои посольства в зарубежных странах. В настоящее время Северная Корея имеет 76 миссий за рубежом, включая 62 посольства, три генеральных консульства и 11 постоянных представительств.

***

Федеральное правительство Канады решило рассмотреть возможность повышения пенсионного возраста с 65 до 67, как это уже было сделано в Швеции, Норвегии и США при определении пенсии по социальному страхованию.

***

Министерство иностранных дел Литвы сообщает, что недавно принятая парламентом резолюция обязывает правительство запретить все полеты военной авиации России в литовском воздушном пространстве. Резолюция была принята в связи с инцидентом в марте, когда три военных российских вертолета на бреющем полете пролетели над жилым районом Вильнюса.

(По материалам печати информационных агентств).

КУРСАНТСКИЙ МЕРИДИАН

● НАШИ ИНТЕРВЬЮ

Ввысь влечёт вертикаль

Траекторию судьбы Джизакского высшего военного авиационного училища можно сравнить с траекторией полета самолета с вертикальным взлетом: времени на разбег не дается. И то, что недавно первый курсант ДВВАУ совершил самостоятельный полет, почти похоже на чудо. Однако это не чудо, просто крутой вертикальный «взлет» с соответствующей двойной нагрузкой на «пилотов».

Наш корреспондент беседует с начальником училища генерал-майором авиации Г. А. АБДУРАХМАНОВЫМ о сегодняшнем дне и будущем первого в Узбекистане высшего военного авиационного учебного заведения.

КРАТКАЯ БИОГРАФИЧЕСКАЯ СПРАВКА

Абдурахманов Георгий Алимджанович родился 7 августа 1950 года в Фергане. В 1967—1971 годах учился в Качинском высшем военном авиационном училище летчиков. Как отличник учебы был оставлен там в качестве летчика-инструктора, прошел путь до командира звена. Затем обучал молодых специалистов в Краснодарском объединенном летно-техническом училище. Был слушателем Военно-воздушной академии имени Ю. Гагарина. Служил заместителем командира полка, командовал полком истребительной авиации. Был старшим инструктором отдела боевой подготовки военного округа. До назначения начальником ДВВАУ был заместителем командующего Военно-Воздушными Силами Министерства обороны Республики Узбекистан.

Женат. Имеет двух детей.

— Георгий Алимджанович, расскажите подробнее об истории создания вашего учебного заведения...

— С обретением Узбекистаном независимости и началом строительства собственных Вооруженных Сил встал вопрос о подготовке военных специалистов и для Военно-Воздушных Сил. В 1993 году был произведен первый набор курсантов на летный факультет ТВОКУ, а 20 июня 1994 года подписан Указ Президента Республики Узбекистан о создании Джизакского авиационного училища.

Мы готовим авиационных специалистов по следующим профилям: летчики (вертолетчики) фронтовой, армейской и транспортной авиации; штурманы-летчики для военно-транспортной авиации; офицеры боевого управления; специалисты инженерно-технической службы.

— Слово «впервые», употребленное вами в предыдущем ответе, как нельзя более ёмко отражает суть ситуации, сложившейся вокруг вопроса об открытии училища. Ведь вы первыми начали готовить летчиков для независимого Узбекистана. И, естественно, на пути первооткрывателей преодолели немало проблем...

— Не только преодолели, но и продолжаем преодолевать. Мало-мальски понимающий в законах физики человек может хотя бы мысленно представить себе перегрузки, которые переносит экипаж вертикально взмывающего ввысь самолета. Точно так же с двойной-тройной нагрузкой трудится и офицерско-преподавательский состав училища, уподобившись этому экипажу самолета: времени на «разбег» у нас нет — Вооруженные Силы ждут авиаспециалистов. Формирование коллектива еще продолжается, но можно уже сейчас с полной уверенностью говорить о том, что в основной массе они представляют собой команду единомышленников, истинных патриотов своей страны, своего народа. Всем им нелегко, многие оставили налаженное место службы, находятся вдали от семьи, но трудности преодолевают стойко, верят в будущее.

Особенно хочу отметить начальника кафедры воздушной навигации и боевого управления майора Т. Исматова. Первоклассный летчик, совершивший более 20 боевых вылетов, во время службы на Крайнем Севере заболел. Однако всего за полтора года Турсун Манапович сумел ликвидировать последствия болезни и получить допуск к полетам. Ну чем не пример мужества и преданности летной профессии?!

Если же возвратиться к трудностям, то остановлюсь вкратце на главных: специалистов по самолётовождению в Узбекистане мало, на стороне искать неперспективно, поэтому взяли курс на подготовку своих. Это значит, что лучших выпускников первых лет будем стремиться оставлять в училище на преподавательскую, инструкторскую работу. С прицелом на данное намерение и набирали курсантов из числа слушателей аэроклубов.

Относительно благоустройства большую помощь оказывает руководство Министерства обороны, да и местные органы власти не остаются в стороне. По линии МО РУз в этом году намечено возведение курсантской столовой, казарм, овощехранилища, банно-прачечного комбината. Для размещения офицеров училища выделяется около ста квартир.

Понимая значение нашего учебного заведения в укреплении оборонной мощи страны, большую помощь в решении вопросов местного значения оказывают хоким области А. Х. Ташкенбаев и хоким города Джизака К. З. Кабилов. А если учесть, что оба они являются депутатами Олий Мажлиса Республики Узбекистан, то можно не сомневаться: в случае необходимости наши проблемы будут вынесены для обсуждения на самом высоком уровне.

Вот так, общими усилиями преодолевая трудности становления, менее чем за год существования училища сумели вывести в самостоятельный полет своих первых соколов...

— Кто же был первым счастливчиком и на чем он полетел, на вертолёте или самолёте?

— Первый самостоятельный полет на самолете совершил курсант II курса Ахрорбек Алибеков, за что был награжден от командования училища именными часами. А вертолетчики у нас уже с прошлого года летают.

Впервые в этом году в феврале начали полеты на самолетах для постоянного состава — появилась возможность готовить летчиков-инструкторов. А с 15 марта в небо Джизака взлетели самолеты, начались учебно-тренировочные полеты с курсантами. Летом планируем начать полеты на военных истребителях.

В связи с этим, пользуясь случаем, хотелось бы поблагодарить за помощь в подготовке инструкторов, проведении полетов офицеров С. Мадаминова, В. Гурчина, капитана А. Сотникова, представителя ОСО «Ватанпарвар» старшего лейтенанта запаса В. Цыплякова.

— Раз уж пошел разговор о событиях, впервые имевших место в истории училища, наверняка особое место в их ряду займет военный парад в честь 50-летия Великой Победы, в котором вам выпала честь принять участие. Как идет подготовка к нему?

— Да, это событие по праву займет особое место в истории всего Узбекистана, а не только нашего учебного заведения, ведь парад станет первым крупным смотром молодых Вооруженных Сил нашей страны.

Батальон курсантов постоянно проводит тренировки на центральной площади Джизака, несколько раз выезжал в Ташкент для участия в общих занятиях. На мой взгляд, в едином строю военных учебных заведений наши курсанты шагают не хуже других. Думаю, мы оправдаем оказанное нам доверие.

— Есть ли конкурс при поступлении в ваше училище?

— Несмотря на высокие требования, предъявляемые к кандидатам медицинской комиссией (напомню: помимо общего осмотра на ГВВК ребята проходят еще врачебно-летную комиссию), конкурс довольно высок. Например, в прошлом году на одно место было четыре претендента, а в этом ожидается еще больше.

Авиация всегда была в почете у молодежи — ну кто из нас в юности не мечтает о небе? Однако претворяют в жизнь эту мечту лишь целеустремленные, влюбленные в небо парни. Кстати, и мой сын Алимджан изъявил желание в этом году поступать в ДВВАУ. Что ж, если ему удастся пройти отбор, я буду рад продолжению династии. Пример молодых людей, выразивших готовность в это трудное время становления Родины стать в ряды ее вооруженных защитников, поистине достоин подражания.

Чистого вам неба, соколы независимого Узбекистана!

Беседовал старший лейтенант А. КАМАЛОВ, корр. «Ватанпарвара».

● СУЗ — БУЛҒУСИ УЧУВЧИ-ОФИЦЕРЛАРГА

Шуҳрат қозонади

Ҳаммага ҳам самолётни бошқариш — осмонга учиш насиб этавермайди. Бу — бахт, улуғ саодат. Шахсан мен ушбу билим юртида таълим олаётганим учун жуда бахтиёрман.

Айни пайтда зиё масканимизда энг кизғин, ҳаяжонли ҳамда сурурли дамлар кечаяпти. Ёзги синовлар, парадга ва учишга тайёргарлик машғулотлари қизғин давом этмоқда. Бу борада мураббий-офицерларимиз ўз билимларини, ҳарб илмини ва касбимиз сирларини қунт билан астойдил ўргатишмоқда. Жонкуяр офицерлардан, майор Исматов, капитан Турлибоев, катта лейтенант Долгов каби мураббийларимиз бизларни ҳар жиҳатдан баркамол само лочинлари бўлиб етишишимиз учун саъй-ҳаракат қилишмоқда. Курсантлар улардан жуда мамнун бўлган ҳолда ўз маҳорат ва кўникмаларини янада оширишга қатъий бел боғлаганлар.

Билим юртимиз ҳудуди кундан-кунга чирой очиб бормоқда. Ўқиш-ўқитиш ишлари яхши ташкил қилинган. Шунга ишончим комилки, тез орада у ўзининг тайёрлаган малакали мутахассислари, илғор техника, замонавий ўқув қуроллари, тажрибали мураббийлари билан нафақат Ўзбекистонимизда, балки Марказий Осиё ва бутун ер юзасида ўз шуҳратини қозонади.

Курсант
К. АБДУРАҲМОНОВ.

ОСМОН ПАРВОЗГА ЧОРЛАЙДИ

Олдинлари самода чарх ураётган пўлат қушларга ҳайрат ва ҳавас билан боқардим. Ўша пайтларда инсон бошқараётган бу мўъжизавий қурилмаларга меҳрим тушганини ўз-ўзимни англай бошлагач яккол ҳис қилдим. Энди уларни бевосита ўзим бошқараман.

Мана неча кундирки билим юртимизда ўқув машқлари давом этмоқда. Натижалар ёмон эмас. Машғулот давомида курсантларнинг самолёт ва осмонга бўлган иштиёқу кизикишлари кучайди. Бўлажак само лочинлари ўз касблари сир-синоатларини пухта эгаллаш ишқи билан яшашмоқда.

Яқинда иккинчи курс курсанти Алибеков сафдошлари ичида биринчи бўлиб самолётни мустақил бошқарди. Маҳоратли, улкан темирқанот суворийси бўлган дўстимизни илк ютуқ билан қутладик, кўнглимиз ғурурга тўлди.

Тўғри, билим юртимиз ҳали ёш. Тез кунлар ичида унинг бағрида ҳарб илми ва касб сирларини ўрганган дастлабки ҳарбий учувчилар — биринчи палдиргочлар мустақил ҳаётга йўлланма оладилар.

Само доимо парвозга чорлайди.

Курсант
З. ЭРГАШЕВ.

Каждый день в небо

Вот уже второй месяц каждый день можно наблюдать взлетающие с аэродрома самолеты и вертолеты. Это под строгим наблюдением летчиков-инструкторов учатся летать курсанты второго курса Джизакского высшего военного авиационного училища.

А подготовка к полетам началась сразу после завершения третьего семестра и сдачи экзаменов на зимней сессии. Командованием училища были приняты все меры, чтобы проходила она в наиболее благоприятной обстановке. К установленному сроку курсанты своими силами оборудовали классы наземной подготовки. Рассчитанные на 5—6 человек, они позволяют обеспечить качественную подготовку к совершению учебно-тренировочных полетов.

Конечно, не у всех курсантов первые в их жизни полеты проходят одинаково удачно. Но главное, у каждого есть стремление стать настоящим военным летчиком, профессионалом своего дела.

Курсант И. БЕДУНКЕВИЧ.

● УЧИМСЯ ЛЕТАТЬ

ЗА ШТУРВАЛОМ —АЛИБЕКОВ

Курсанту Ахрорбеку Алибекову выпала честь стать первым питомцем училища, совершившим самостоятельный полет на самолете. Хочется верить, что со временем он вырастет в настоящего мастера, которого профессионалы будут узнавать по «почерку»: когда увидят пролетающий истребитель, уважительно скажут: «В небе — Алибеков»...

А пока невысокого роста, худенький смуглый паренек с робкой улыбкой не похож на аса. Да, это можно понять — не привык Ахрорбек быть в центре всеобщего внимания. В семье водителя грузовика Адильжана и домохозяйки Саодатхон не было ни военных, ни тем более летчиков. Когда их единственный сын выбрал небо, родители были озадачены, но отговаривать не стали. Два года после уроков он посещал Андижанский аэроклуб, где обучался азам полетов на самолете под руководством инструктора С. Черевко и начальника клуба З. Хасанова. Уроки Сергея Андреевича и Зафара Алимовича пригодились Ахрорбеку: в училище он лучше других успевал по спецдисциплинам — аэродинамике и самолетовождению. Не в новинку для парня была и парашютно-десантная подготовка — в аэроклубе довелось совершить несколько прыжков.

Строго говоря, и первый самостоятельный полет был для Алибекова не совсем первым — были полеты и в аэроклубе, правда, под наблюдением инструктора. А тут впервые один...

— Впечатление трудно передать, — говорит Ахрорбек. — Радость, гордость от управления самолетом, и... некоторая неудовлетворенность своими возможностями. Пока летаем по простой схеме «взлет — два круга над аэродромом — посадка». Жду — не дождусь того дня, когда окажусь за штурвалом МиГа. Там скорости уже другие.

Любовь к скорости, к быстрой езде привела простого парня к выбору профессии летчика. Кто знает, может дорога в небо, начавшаяся для Алибекова в аэроклубе и продолженная в училище, найдет свое продолжение в отряде подготовки космонавтов. У человека, устремленного в небо, и мечты должны быть высокими...

Старший лейтенант
А. АЙНАТДИНОВ.

УЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУДОФАА ВАЗИРЛИГИНИНГ ЖИЗЗАХ ОЛИЙ ҲАРБИЙ АВИАЦИЯ БИЛИМ ЮРТИГА

ҚАБУЛ ҚОИДАЛАРИ

Жиззах олий ҳарбий авиация билим юрти курсантларнинг биринчи курс таълимига қуйидаги мутахассисликлар бўйича қабул эълон қилади:

— фронт, армия ва транспорт авиацияси учувчилари (вертолётчилари);

— ҳарбий-транспорт авиациясининг штурман-учувчиси;

— жанговар бошқарув офицерлари;

— муҳандис-техник хизмати мутахассислари.

Билим юртига Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларида хизмат қилиш ҳоҳишини билдирган, ҳарбий авиация хизматига соғлиги яроқли ҳамда ўрта маълумотга эга бўлган 21 ёшдан ошмаган ҳарбий хизматчилар ва фуқаро ёшлар қабул қилинадилар.

Билим юртига кириб ўқишни ҳоҳловчилар яшаш жойидаги район мудофаа ишлари бўлими бошлиғи номига кириш йилининг 10 майига қадар, ҳарбий хизматчилар эса қисм командири номига кириш йилининг 1 апрелига қадар ариза берадилар.

Қабул комиссиясига қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилади:

1. Билим юрти бошлиғи номига ариза;

2. Ўрта маълумот ҳақидаги ҳужжат (асл нусхаси);

3. Анкета ва батафсил таржимаи ҳоли;

4. Туғилганлик ҳақида гувоҳнома (нотариал идора томонидан тасдиқланган нусха);

5. Гарнизон ҳарбий-тиббий комиссиясининг ҳарбий хизматга яроқлилиги тўғрисидаги хулосаси, (вилоятларда истиқомат қилувчилар учун — вилоят мудофаа ишлари бошқармаси қошидаги ҳарбий-тиббий комиссия хулосаси);

6. Хизмат характеристикаси (ишлаб чиқаришдан, ёхуд мактабдан);

7. Ота-онаси иш жойидан маълумотнома;

8. Бош кийимсиз тушилган 3 та (4х6) тасдиқланган фотосурат.

Район (шаҳар) мудофаа ишлари бўлимлари томонидан танлаб олинган номзоллар Жиззах олий ҳарбий авиация билим юрти бошлиғи чақируви бўйича 1 июлда имтиҳонлар топшириш учун билим юртига жўнатиладилар. Уларнинг ҳужжатлари эса ушбу муддатдан бир ой олдин билим юртига юборилади.

Кириш имтиҳонлари июль ойида қуйидаги фанлар бўйича ўрта мактаб ҳажмида топширилади:

— математика (ёзма);

— физика (оғзаки);

— она тили (ёзма);

— жисмоний тарбия.

Барча абитуриентлар танлаган ҳарбий мутахассисликларига яроқлилиги бўйича имтиҳонлар бошланишидан олдин касбий ва психологик танловдан ўтадилар.

Билим юртида ўқиш муддати 4 йил. Уни битирганлар олий муҳандислик маълумоти ва олий ўқув юртлари учун ўрнатилган намунадаги диплом оладилар. Шунингдек, танлаган мутахассислигига мос ҳарбий-махсус таълимга эга бўладилар. Уларга лейтенант ҳарбий унвони берилади ва Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий Ҳаво кучлари қисм ва бўлинмаларига офицерлик лавозимларида хизмат қилиш учун жўнатиладилар.

БИЛИМ ЮРТИ ҚУМОНДОНЛИГИ.

Асосий бурчимиз

Мустақил Ўзбекистонимизнинг етук само лочини бўлиб етишиш иштиёқи барчамизнинг қатъий мақсадимизга айланган. Шу эзгу мақсад йўлида қунт билан назарий билим ва амалий кўникмаларини бойитиб бораётган, танлаган касблари бўйича ўз маҳоратларини пухта эгаллашга катта иштиёқ билан интилаётган курсантлар юқори масъулиятлилик намуналарини кўрсатмоқдалар.

Ўқув соатларининг ниҳоятда жонли, унумли ўтаётганлиги ҳам сафдошларимнинг катта қизиқувчанлик ва чанқоқлик билан ҳарб илмидан баҳраманд бўлаётганликларидан далолат бераяпти. Бўлажак ҳарбий учувчилар нафақат таълим, шу билан бирга тарбия, тартиб-интизом борасида ҳам офицер-командирларимиз ҳурмат-эътиборини қозониб келмоқдалар.

Етук малакали мутахассис фидойи командирларимиздан — капитан Холиқов, майор Исмоилов ва бошқа офицер-ўқитувчиларимиз яқиндан ёрдам беришмоқда. Улар ўз билимларини курсантлардан дариғ тутишмайди.

Яқинда фашизм устидан қозонилган Ғалабанинг 50 йиллигини билим юртимизда кенг нишонлаймиз. Ҳозирги кунда байрамга тайёргарлик ишлари қизғин олиб борилмоқда. Хуллас, осмонимиз тинч ва мусаффолиги йўлида хизмат қилиш асосий бурчимизга айланган.

Курсант
Д. МАМАСОЛИЕВ.

СЕНИНГ УҒЛОНЛАРИНГ, ЎЗБЕКИСТОН!

ҲАВАС ҚИЛСА АРЗИГУЛИК

Жиззах олий ҳарбий авиация билим юртида етук малакали офицерлар фидойи хизмат қилмоқдалар. Ана шундай мураббийлардан бири капитан Қ. Турлибоевдир.

Қулаҳмад Салимбоевич мазкур билим юртининг қалдирғоч офицер-мураббийларидан бири эканлигидан бениҳоя фахрланади.

— Зиммамга шундай шарафли вазифа мухтасар бўлганлигидан ўзимни бениҳоя бахтли ҳис этаман, —дейди тажрибали мутахассис суҳбат чоғида. — Ҳарбий Ҳаво кучларимиз учун етук малакали учувчи кадрларни вояга етказишдай эзгу ишга ўз улушимни қўшаётганимдан мамнунман.

Ҳа, капитан Қ. Турлибоев ўз касбининг устаси, моҳир командир. У бошлиқ бўлинма курсантлари мазкур билим юртининг илк ажойиб анъаналарига асос солмоқдалар. Бу — уларнинг таълим-тарбия, тартиб-интизом, танлаган касблари сир-синоатларини ўрганишга бўлган катта саъй-ҳаракатлари, иштиёқ ва изланувчанликлари борасида янада ёрқин намоён бўлмоқда. Чунончи, сержантлар — Ш. Холматов ва О. Эгамов, шунингдек, курсантлар — И. Безднкевич, Ҳ. Аҳмадалиев О. Камолов каби иккинчи курс толиблари, демакки билим юртининг қалдирғоч курсантлари ўқув жараёнининг барча жабҳаларида ўрнак кўрсатмоқдалар. Аъло ўқиш, юксак маънавий ва жисмоний камолот, касб-сирларини пухта ўзлаштириш уларнинг юрак даъватларига айланган.

— Яқинда Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазири генерал-лейтенант Р. Аҳмедов билим юртимизга Жанговар Байроқ топширганларида, — деб ҳикоя қилади курсант О. Эгамов, — Она-Ватанимиздан, Қуролли Кучларимиздан улкан фахрланиш ҳиссини туйдим. Юрак-юрагимдан сўнгги нафасимгача бурчга содиқ қолишга, билдирилган ишончни шараф билан оқлашга аҳд қилдим.

Ҳарбий учувчиликни ҳавас қилмаган ўғлон бўлмаса керак. Айнан учувчиликка бўлган улкан меҳр, унинг сир-асрорларини эгаллаш йўлидаги қатъиятлилик биринчи курс курсантларига ҳам хос жиҳат десак, янглишмаймиз. Чунончи, катта лейтенант Ғ. Абдурасулов командирлик қилаётган ротанинг У. Хомутов, А. Насриддинов, Х. Маҳмудов каби бўлажак офицер-учувчилари пухта билим ва малакага эга бўлиш учун астойдил бел боғлаганлар.

— Фашизм устидан қозонилган Ғалабанинг 50 йиллиги байрамига ўз муносиб улушимизни қўшиш мақсадида ўзига хос мусобақа уюштирганмиз, — дейди 1-курс курсанти У. Хомутов, — Асосий мақсад таълимда, тартиб-интизомда, ўзаро аҳиллиқда ҳамиша намунали кўрсаткичларга эришишдир. Етук малакали офицер командирларимизнинг қунт ва сабот билан бераётган саboқларини эгаллаб, она-Ватанимиз, халқимиз билдирган ишончни ёруғ юз билан оқлашга бундан буён ҳам бутун куч-ғайратимизни сафарбар этамиз.

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаб ўтиш жоизки, курсантларнинг таълим-тарбия олишлари, етук малакали мутахассис офицер бўлиб етишиб чиқишлари учун барча шарт-шароитлар муҳайё этилган. Дам олиш соатлари кўнгилдагидек ташкил этилаётир. Спорт майдончалари ҳамиша гавжум. Қисқаси, бўлажак само лочинлари ҳавас қилса арзигулик хизмат қилмоқдалар.

Катта лейтенант
Ш. ИКРОМОВ,
«Ватанпарвар» мухбири.

Верно говорится: полет начинается на земле. Прежде чем получить доступ к штурвалу воздушного корабля, курсанты долго и упорно занимаются в классах, тренажерных кабинетах, в спортивном зале. Именно здесь закладываются прочные основы грамотности и безопасного управления самолетами и вертолетами, отрабатываются варианты действий в различных сложных ситуациях.

То есть, перефразировав известное изречение, можно смело сказать: тяжело в ученье — легко в полете. Будущие офицеры Военно-Воздушных Сил Республики Узбекистан все это хорошо понимают. Вот почему внимательно прислушиваются они к каждому слову опытных преподавателей.

На снимке: на занятиях в классе.
Фото А. МАНТРОВА.

ИШТИЁҚ БИЛАН ЯШАЯПМИЗ

Болалик кунларимни эслайман. У пайтларда вертолётларнинг учиши, ердан кўтарилиши мурғак тасаввуримга сиғмасди. «Улар қандай ҳаракат қилади? Бунинг боиси нимада?» деган саволларга ўлғайган сайин жавоб топишга ҳаракат қилдим. Мактабни тугатгач, ҳеч иккиланмай Жиззах олий ҳарбий авиация билим юртига ўқишга кирдим.

Ушбу зиё масканида севимли соҳам синоатларини мунтазам ўрганиш учун барча шароитлар етарли. Ўтган йили илк бор сафдошларим ичида биринчи бўлиб парвозга чиқдим. Дастлабки муваффақиятлардан эсанкираб қолмадим. Инструктор Мирзаалимовдан янги билим ва кўникмалар, маслаҳат ва ўгитлар олдим. Улар доимо ўз касбимни севишга, қадрлашга, муқаддас билишга ундайдилар.

Айни пайтда ўз мутахассислигимизни яна-да пухта ва мукаммал эгаллаш иштиёқида яшаяпмиз. Бугунги олинган билим келажакда албатта ўз самарасини бериши шубҳасиз.

Курсант
Ш. ЧОРИЕВ.

● ВЕТЕРАНЫ — МОЛОДОМУ ПОКОЛЕНИЮ

ТРАССЫ СОЛДАТСКОГО МУЖЕСТВА

К сожалению, я ни разу не был в Волгограде, и мне неведом его героический облик. Хотя такие названия, как Мамаев курган, Тракторный, Баррикады, — все это на слуху. Но я ясно представляю дорогу к знаменитому мемориалу и к сотням больших и малых обелисков и мемориальных досок. А слушая рассказ Халика Райисовича ШАРИПОВА, словно вижу накат вражеской волны и чувствую на себе хлесткий, напористый ветер, ветер далекой войны. Мой собеседник — бывший гвардии старшина минометного полка знаменитой 36-й гв. стрелковой дивизии.

Подчеркну, что Халик Райисович вместе со своим полком и дивизией стоял насмерть в Сталинграде, сражался на Курской дуге, одним из первых форсировал Днепр, но не получил Героя. Участвовал в Ясско-Кишиневской операции, вышел живым из мясорубки у озера Балатон, прошагал по военным дорогам пяти европейских стран и закончил свой боевой путь у подножия австрийских Альп. Награжден орденами Красной Звезды, Отечественной войны I степени, медалями «За отвагу», «За взятие Будапешта» и другими.

С 1975 года бывший старшина минометной роты возглавляет инициативную группу ветеранов 36-й гв. стрелковой дивизии в Ташкенте.

— Халик Райисович, что это за инициативная группа и чем она занимается?

— Инициативная группа — это, другими словами, региональный Совет ветеранов. Дело в том, что ветераны дивизии находятся в разных республиках, а ныне в разных государствах, и потому мы избрали такую форму работы. В Москве находится Совет ветеранов дивизии (его «штаб» размещается в здании индустриально-экономического техникума). Бессменным руководителем его является бывший начальник разведки 108-го стрелкового полка полковник в отставке Попов Александр Иванович.

Совет организует встречи ветеранов, создает музей и уголки боевой славы в школах. Таких по странам СНГ создано уже 25. В том числе в Ташкенте, Самарканде, Челябинске, Днепропетровске, Свердловске и других городах. Инициативные группы ведут работу на местах.

— Что было сделано вашей инициативной группой и делается сегодня?

— Начну с того, что как только была создана наша инициативная группа, я через газеты Ташкента, Самарканда, Алматы обратился к ветеранам дивизии с просьбой отозваться, дать о себе знать. Результаты были хорошими. Завязались связи, началась переписка, и ветераны включились в широкую героико-патриотическую работу. Назову некоторых из ветеранов дивизии. Бывший санинструктор батальона Н. Верходанов неоднократно выступал на предприятиях, в школах Каттакургана. Бывший стрелок 104-го сп Т. Ташкенбаев добросовестно трудился в Самарканде и вел активную воспитательную работу с молодежью. Там же, в Самарканде, достойно несли честь нашего гвардейского соединения бывший артиллерист старший сержант в отставке Абдусаттар Тухтарамов и его боевая подруга Ираида Ивановна. В самаркандской школе № 47 создан музей боевой славы, в котором наши ветераны ведут большую работу по военно-патриотическому воспитанию. Т. Бекабаев из Бухарской области, Ш. Юсупов из Учкудука, Н. Невский из Чирчика и многие мои товарищи из Ташкента и других городов, можно сказать, и сегодня в строю, ведут огромную и нужную работу.

— Халик Райисович, инициативных групп, подобных вашей, ташкентской, несколько. Удается ли вам встречаться и по какому поводу?

— Вы правы, инициативных групп, подобных нашей, больше десяти. А встречаемся мы, как правило, по поводу юбилейных дат. Вот только в последние годы проведено несколько таких встреч:

2—6 августа 1993 года в п. Шебекино по случаю 50-летия Курской битвы;

20—26 августа наши представители участвовали во встрече, посвященной 50-летию освобождения Харькова;

20—26 октября состоялась встреча в Верхнеднепровске, посвященная 50-летию битвы за Днепр.

И наконец еще одно важное событие. В 1994 году Совет активно участвовал в юбилейных торжествах, посвященных освобождению Украины от немецко-фашистских захватчиков. Каждая такая встреча — открытие. Тут вначале официальная часть и обмен опытом, мнениями, и, конечно, воспоминания. Бывают и неожиданные, даже курьезные ситуации. Например, в 1993 году я был приглашен в Волгоград на 50-летие Сталинградской битвы. Летим из Ташкента в самолете с одним товарищем. Прилетели в Волгоград, взяли такси, в гостинице разместились в одном номере. Живем, общаемся. И вдруг, на вторую ночь, неожиданно просыпаюсь, хватаю приятеля за плечи и трясу:

— Слушай, это ты...

Тот глаза таращит, ничего не понимает.

— Ну я, и что же?

— Я тебя вспомнил, ты был адъютантом комбата. Мы с тобой на балке Краватка прикуривали, помнишь?

Тот трясет головой, потом:

— А это вы, минометчики, нам огонька давали. Точно, вспомнил!..

Полусонные, полураздетые, бросаемся обнимать друг друга, потом украдкой смахиваем набежавшие слезы.

Вот это действительно волнующее событие. Не зря же говорят, что гора с горой не сходятся, а человек с человеком...

— Халик Райисович, а чем занята ваша группа сейчас, в преддверии 50-летия Победы?

— Я продолжу свою мысль. После таких мероприятий, о которых я рассказывал, мы, как правило, активизируем военно-патриотическую работу с молодежью. Проводим уроки мира, уроки мужества, участвуем в тематических вечерах, выступаем с лекциями и беседами. Все эти формы мы используем и сегодня, готовясь к всенародному празднику. На одном из первых мест в нашей работе и тема дружбы, согласия, любви к своей независимой Родине, которую свято беречь и защищать мы завещаем нашим доблестным воинам-узбекистанцам.

Записал А. ХЛЫЗОВ, корр. «Ватанпарвара».

● ҒАЛАБАНИНГ 50 ЙИЛЛИГИ ОЛДИДАН

БИР ИНСОН УМРИ

Уруш ҳақидаги бу хотиралар ўзбек ўғлонининг жанг ҳарда кечган кунлари, дарду армони, бахту қувончи ҳақида. У суронли йиллар ёди биз ёшларни бугунги тинчлик-осойишталикни қадрлашга, инсонни эъзозлашга ундайди. Шу боисдан ҳам улар азиз ва мукаррамдир.

Уруш ва меҳнат фахрийси Райимберди ота Жумаев шундай ҳикоя қилади:

— Мен 1925 йилда ҳозирги Сирдарё вилоятининг Ховос районидаги Чанговул қишлоғида туғилганман. Ўрта мактабда таҳсил кўргач, Тошкентдаги завод ва фабрикалар учун мутахассислар тайёрлайдиган ўқув курсида ўқий бошладим. Кўп ўтмай уруш бошланди.

1941 йилнинг 22 июни кечагидек ёдимда. Кундузги соат ўн иккилар эди чамамда. Биз ўқувчилар чойхонасида овқатланиб ўтирардик. Бирдан айтиб турган радио овози тиниб, Москвадан ҳукумат хабари борлигини айтишди. Бир оздан сўнг ўша пайтдаги СССР халқ комиссарлари Советининг раиси Вячеслав Михайлович Молотовнинг хиёл ўкинчли, вазмин ва салобатли овози эшитилди. У фавқулодда ҳолат эълон қилиб, эрталаб, Москва вақти билан соат тўртда тиш-тирноғигача қуролланган фашистлар Германияси халқаро қоидани бузиб, чегарачиларимиз қаттиқ қаршилик кўрсатишларига қарамай Ватанимизга бостириб киришганини айтиб, «Ҳукумат номидан бутун халқни фашист босқинчиларига қарши курашга отланишга илтимос қиламан ва чақираман», деб сўзини тамомлади.

Совуқ хабарни эшитгач, илмгоҳимиз директори Причёв бошлиқ барча ўқитувчилар ва ўқувчилар чойхонада тўпланиб, митинг ўтказдилар. Митинг пайтида армия ёшига етган ва етмаганлардан 50 киши кўнгилли равишда Ватан ҳимояси учун фронтга жўнатишларини илтимос қилиб, ариза беришди. Улар орасида мен ҳам бор эдим.

Бироқ, аввалига талабимиз қондирилмади. Бизларни ўқув программаси тугамасдан олдин, курсни битирди дея жавоб бериб юбордилар. Мен қишлоққа қайтиб келдим. Дўстларим билан бирга колхозда ишлай бошладим.

1942 йилнинг феврали эди. Олмалиқ — Бекобод темир йўли қурилишига сафарбар этилган ёшлардан ўн икки кишига чақирув қоғози келди. Афсуски, чақирилганлар орасида менинг исми шарифим йўқ эди. Мен ҳам таваккал қилиб, улар билан бирга район ҳарбий комиссариятига йўл олдим. У ердагилар ҳужжатларим билан обдон танишиб чиққач, «Ёш экансан, урушга ярамайсан», деган хулосага келишди. Мен улардан урушга юборишларини илтимос қилдим. Ўзаро маслаҳатлашиб, бир фикрга келишгач, мендан «кўнгилли бўлиб хизматга бораман» деган мазмунда ариза ёздириб олишди.

Ҳар куни фронтга тўп-тўп бўз йигитлар жўнаб кетаверишди. Ниҳоят бизнинг ҳам навбатимиз келди. 1942 йилнинг 6 июнида эрталаб бизларни поездга миндириб Тошкентга жўнатиб юборишди. Отам беш ёшимда вафот этиб кетган, онам олис қишлоқда яшардилар. Мени тоғам — Қўшоқ Маҳкамов, амакиларим — Али Очилов ва Файзи Фаёзов, холам — Улту Жўраевалар Ховосдан кузатиб қолишди.

Йўл-йўлакай поездга Бекобод, Гулистон, Сирдарё станцияларидан янги-янги вагонлар қўшилди. Уларнинг ичи жангчиларга лиқ тўла эди. Тошкентга тунда етиб келдик. Овқатланиб, вагонда ётдик. Субҳидамда поездимизга яна қирқта вагон уланди.

Роппа-роса беш кундан сўнг поездимиз Ижевский шаҳрига етиб келди. Шаҳардан олти километр наридаги қалин ўрмон ичида лагерь бўлиб, унда чақирилувчиларга бошланғич ҳарбий машғулотлар ўтказиларди. Бу ерда ўн саккиз кун давомида жанговар тайёргарлик машқларини ўтадик.

Ижевскийдан бизларни Калуга шаҳригача поездда олиб келишди. Фронт чизиғи шаҳарга яқин экан. Эшелон станцияда тўхтаган замони фашист самолётлари станцияни аёвсиз бомбардимон қила бошлади. Бизлар тезда ўрмон ичкарисига кириб, жон сақладик.

Калугада уч кун турдик. Ҳар куни фашистлар шаҳарни ўққа тутишарди. Станция яқинида икки қаватлик мактаб биноси бўлиб, у ўша пайтда ҳарбий госпиталга айлантирилган эди. Лаънати душман госпиталь белгисига қарамай, уни ҳам ер билан яксон қилди. Кўплаб ярадорлар ўлиб кетди. Икки кун мобайнида тупроқ остидаги ўликларни ва омон қолган ярадорларни олиб чиқишга кўмаклашдик.

Учинчи куни кечқурун фронтга жўнадик. Ўрмон ичидан фақат қоронғида йўл босиб, икки кун деганда Ғарбий фронтга етиб бордик. Смоленск вилоятининг Барятенская станцияси яқинида Чумазова деган қишлоқ бор. У фронтдан етти километр орқада эди. 69-дивизия штаби шу қишлоқда жойлашган экан. Эртаги куни бизларни дивизия полкларига тақсимлаб юборишди.

Мен сафдош дўстларим — Жўрахон Усмонов (уруш қаҳрамони), Норқўзи Дўстназаров, Қурбонбой Усмонов, Эркавой Умаров, Орзиқул Рўзимуродов, Кўчимбой Эрматов, Мажид Оқилов, Жаббор Эгамназаров ва бошқалар билан 120-полкнинг 1- ва 2-батальонлари роталарига келиб қўшилдик. Батальонларимиз фронтнинг олдинги чизиқлари ўтадиган Ромбовидная рошниси ўрмонида ва Яковлёвка қишлоғи ҳудудларида жойлашган эди. Қишлоқ тепаликда бўлиб, уни немислар ишғол қилиб туришарди.

Қўмондонлик жасур рус йигити подполковник Чепвенцов бошлиқ полкимизга қишлоқни немислардан тозалаш ҳақида буйруқ берди. Бизлар қисқа артиллерия тайёргарлигидан сўнг ҳужумга ўтдик. Орада 60 метрлик масофа бор эди. Қаттиқ, «Ура!» садолари остида немислар окопига ташландик. Найзабозлик жанги бошланиб кетди. Шу олишувда ротамиз командири катта лейтенант Ражабов етти немисни ўлдирди. Бошқалар ҳам шиддаткор курашишди.

Мен бир немис унтер офицерига найза санчиб, уни суғуриб олгач, ўқ отиб ўлдирдим. Унинг ёнидаги пистолет ва ҳужжатларини тортиб олиб, жангни давом эттирдим.

Буйруқ бажарилди — қишлоқ ишғол қилинди. Немисларнинг кўпи ўлди, қолгани қочиб қутулди. Биз навбатдаги мудофаа учун окоп қазишга киришдик. Кечқурун номозгарда немис танкларининг овози эшитилди. «Танкка қарши отувчи қуроллар тайёрлансин!», деган команда берилди. Биз қуролларимизни тайёрлаб қўйдик.

Шу пайтда ўттизга яқин ҳар хил маркадаги немис танклари замбарақларидан, пулемётларидан отиб, кела бошлади. Орқамиздаги артиллерия батареяси тўғри наводка билан ўнга яқин душман танкини ёндириб юборди.

Лекин фашистлар ҳужумни тўхтатишмади. Бизнинг тацкларимиз йўқ эди. Улар окопларимизни бузиб, тўхтамай келавергач, мажбуран чекина бошладик. Подполковник Чепвенцов «Чекинилмасин!» деганча окопдан чиқиб, осмонга ўқ отиб турган пайтида уни танк пулемётидан отиб ўлдиришди. Шундай қилиб, биз аввалги позициямизга қайтиб келишга мажбур бўлдик.

Шу жангда 86 кишидан бор-йўғи 12 киши омон қолгандик. Кўплаб ёвқур ўғлонлар душман ўқига учрашди. Катта лейтенант Ражабов окопга яқинлашган чоғида немис минамёти минаси унинг елкасига кириб кетиб портламай қолди ва у ҳам шу ерда вафот этди.

Шундан сўнг Самара қишлоғи, Севск шаҳри учун бўлган жангларда қатнашдим. Севскдан 30 километр наридаги Серефика-Буда шаҳрини озод этишда бўлган муҳорабада чап оёғимнинг тиззасига душман пулемёти ўқи келиб тегди. 52-армия госпиталида даволаниб чиқдим. Бу жанглар учун биз-нинг 69-дивизия «Қизил байроқ» ордени билан мукофотланди.

1944 йили қўшинларимиз Беларуссияни озод этишга киришдилар. Биринчи, иккинчи ва учинчи Беларуссия фронтлари ташкил этилди. Бизнинг дивизиямиз биринчи Белоруссия фронти таркибига киритилди. Белоруссияни озод этиш учун «Багратион» операциясини тузилди.

Дивизиямиз барча жангларда асосий зарбани берарди. Операцияда ҳам у ҳал қилувчи куч, деб эътироф этилди. 65-армия зонаси Березёнка дарёси олдидаги Париги райони маркази яқинида эди. Душман билан қўшинларимиз ўртасида 400 метрлик ботқоқлик ястаниб ётарди. У «нейтральний зона», деб аталарди. Қўмондонлик бош ҳужумни шу жойдан бошлашга қарор қилди.

1944 йилнинг 23 июнидан 24 июнига ўтар кечаси чекмасдан, шовқин кўтармасдан тонг қоронғисигача ботқоқликдан ўтиб, ҳужумга тайёр бўлиб турдик. Эрталабки соат тўртларда шиддатли артиллерия жанги бошланди.

Мен ўша пайтда рота комсорги ҳамда взвод командирининг ўринбосари эдим. Жанг олдидан бўлган йиғилишда биринчи Беларуссия фронти қўмондони К. К. Рокоссовский нутқ сўзлаб, ҳар бир жангчига биттадан байроқча берди ва шу байроқчани биринчи бўлиб фашистлар окопи брусверига кадаган кишига қаҳрамон унвони берилишини эълон қилди. Бу кўпчиликнинг руҳини яна-да кўтарди.

Урушга сигнал берилгач, биз биринчилардан бўлиб, «Ура!» деб югуриб борардик. Душман окопига 20—25 метрлар чамаси масофа қолганда ёнимда душман снаряди портлади. Мен портлаш зарбидан учиб кетдим. Ўзимни ёмон ҳис қилдим, чап оёғим қотиб қолганди. Орқадан келаётган санитар врач шимимни кесиб, оёғимни очди. Беш жойимга осколька теккан экан. У ярамни боғлагач, аравага ортиб мени госпиталга жўнатиб юборди. У ерда соғайиб, яна қадрдон ротамга қайтдим.

«Багратион» операцияси ўз вазифасини бажарди. Бизлар Польша ерларига ўтиб, ҳужумни давом эттирдик. Норев дарёсининг (Висланинг ўнг оқими) плацдармидаги жанглар, айниқса, аёвсиз кечди. Фашистларнинг 10 стволлик минамёти снарядининг портлаши натижасида тупроқ остида қолиб ҳушдан кетибман. Мени ротамиз командири капитан Петров билан санитар-инструктор ковлаб олишибди. Ўзимга келганимда бошим Петровнинг тиззасида бўлиб, оғзимдан, бурнимдан, қулоғимдан, кўзимдан қон оқиб ётибман экан.

Дивизия санитария бўлимида бир оз даволангач яна ротага бордим. Жанг давом этарди. 1944 йилнинг 28 октябрида мени штабга чақириб, пиёда аскарлар ҳарбий билим юртига ўқишга юборишди. Илмгоҳ Иванов вилоятининг Шуя шаҳрида жойлашган эди.

1945 йил 8 майдан 9 майга ўтар кечаси, тунги соат бирларда бизларни «муҳим хабар бор», дея уйготишди. Ҳаммамиз радиокарнай атрофида тўпландик. Ўша куни Сталин нутқ сўзлаб, Ғалабани эълон қилди.

Қувончимизнинг чеки йўқ эди. Ҳаммамиз шодлик ва бахтдан гоҳ кулиб, гоҳ йиғлардик. Ғалаба осонликча келмаганини уруш иштирокчиларининг барчаси жуда яхши билишади.

Райимберди ота Жумаев 1947 йилда бизим юртини тугатиб, она юртига қайтиб келди. Аввал район партия қўмитасида инструктор, кейин бўлим бошлиғи лавозимида ишлади. Сўнгра МТС директори ўринбосари, Янгиер шаҳар ижроия қўмитаси раиси, совхоз директори, колхоз раиси, трест бошлиғи, Сирдарё вилояти мева-сабзавотчилик саноати бирлашмаси директориғача бўлган шарафли йўлни босиб ўтди. Ватан ва халқ олдидаги эғир хизматлари муносиб тақдирланиб, олти орден ва ўн тўрт медаль соҳиби бўлди.

Райимберди ота Онахон ая билан фарзандларини халқ корига ярагулик инсонлар қилиб камол топтиришди. Катта қизлари Мавжуда — педагог, Манзура — врач, Замира — ТошДУ ўқитувчиси, Алишер — совхоз директори, Фурқат — Гулистон шаҳар прокурори муовини, Ғанишер — подполковник, ҳарбий хизматчи. Отахонинг бир-биридан ширин 19 невараси, 1 — чевараси бор.

Ю. АСАДУЛЛАЕВ.

ВНИМАНИЕ ПРОБЛЕМАМ ЭКОЛОГИИ

Руководители аккредитованных в Узбекистане посольств совместно с миссией Международного фонда «Экосан» прибыли 28 апреля в Нукус для ознакомления с проблемами Арала и Приаральского региона.

Их принял заместитель председателя Олий Мажлиса Республики Узбекистан, председатель Жогаргы Кенгеса Республики Каракалпакстан Уббинияз Аширбеков. Во время встречи были обсуждены вопросы, связанные с экологической обстановкой, сложившейся в результате снижения уровня Аральского моря, ее последствиями, мерами, предпринимаемыми по решению этой проблемы. Особо было отмечено активное участие Президента нашего государства Ислама Каримова в решении этой проблемы.

Президент Международного фонда «Экосан» Юсуф Шодиметов рассказал о практической работе, направленной на оздоровление экологической обстановки Приаральской зоны, готовящейся международной конференции, посвященной проблемам Приаралья, которая будет проведена в городе Нукусе.

Чрезвычайный и Полномочный Посол Китайской Народной Республики в Узбекистане Гуань Хэньгуан, Чрезвычайный и Полномочный Посол Швейцарской конфедерации в Узбекистане Пауль Випфли, отметив, что проблема Арала является проблемой всего мира, подчеркнули, что для ее решения необходима практическая помощь всего мирового сообщества.

ЮБИЛЕЙ ПРОПАГАНДИСТА ДУХОВНОСТИ

Согласно Постановлению Кабинета Министров в нашей республике широко отмечается 120-летие со дня рождения просветителя, литератора и государственного деятеля Махмудходжи Бехбуди, который внес огромный вклад в развитие духовности народа. В областях, общественных организациях, высших учебных заведениях, в школах проводятся литературные вечера, научные конференции, посвященные его жизни и творчеству. Радостным событием стало создание документального фильма о жизни и деятельности Бехбуди.

В Республиканском доме кино 28 апреля состоялось торжественное собрание, посвященное этой дате. Его открыл министр по делам культуры республики Э. Хайитбаев. С докладом о заслугах Бехбуди в развитии нации выступил доктор филологических наук Н. Каримов. Выступившие член-корреспондент Академии наук Узбекистана Иззат Султан, народный поэт Узбекистана Шукрулло, главный редактор газеты «Овози тожик» Шавкат Ниязов рассказали о Махмудходже Бехбуди, который был глашатаем национального пробуждения, руководителем джадидского движения за независимость народов Туркистана в начале XX века, создании им в крае школ нового типа, различных учебников и пособий, его весомом вкладе в развитие национальной печати и театрального искусства. Они подчеркнули, что множество его статей по вопросам общественной жизни, просвещения, культуры, печатавшиеся в течение почти 20 лет в газетах и журналах, оказали большое влияние на творчество таких представителей национальной интеллигенции, как Фитрат, Абдулла Кадыри, Хамза, Чулпан. Внук писателя — профессор СамГУ, доктор филологических наук Надим Бехбуди выразил благодарность за то уважение, которое было оказано представителю просветительства.

В заключение был показан документальный фильм «Махмудходжа Бехбуди» и дан большой концерт мастеров искусств. **(УзА).**

Байрамда келган „Сюрприз“

Тўрақўрғон туманидаги «Бураматут» қишлоғида истиқомат қилувчи Холматовлар хонадонига матуб келди. Ҳовлида ўйин-кулгу, тантана авжида. Дошқозонда сумалак қайнар, қиз-жувонлар гавжум эди. Уй соҳибаси Бусора опа ўғлининг ёзувини яхши танирди, шу боис бегона кишининг қўли билан ёзилган хатни минг хавотир билан очди.

Ундаги ёзувлар опанинг, қоларса тўпланишиб, ҳайрон турган аёлларнинг ҳам ҳайратини оширганди. Она хатни овоз чиқариб оҳиста ўқий бошлади:

«Хурматли Холматовлар оиласи! Ўғлингиз Ботиржон бизнинг қисмда ўз хизматини, конституциявий бурчини виждонан бажармоқда. У қунт билан ҳарбий билимларни ўрганяпти. Жанговар топшириқларни ҳушёрлик билан бажармоқда. Жамоат ишларида фаол қатнашмоқда. Ўз қуролдош дўстлари ўртасида обрў-эътибор қозонган.

Қисм қўмондонлиги ўғлингизни ҳарбий-ватанпарварлик, байналмилал дўстлик руҳида тарбиялаганлигингиз учун Сизга чин юракдан миннатдорчилик билдиради. Сизга мустаҳкам сиҳат-саломатлик, шахсий ҳаётингизда катта бахт ва муваффақиятлар тилаймиз.

Ҳарбий қисм командири А. Алиев.

Ҳарбий қисм командирининг шахсий таркиб билан ишлаш бўйича ўринбосари К. Темиров».

Ҳамманинг дили ёришиб кетди. «Ана сурприз-у, мана сурприз!» дея лўқма ташлади кампирлардан бири. Лапарлар, айтишувлар яна-да авжига чиқди. Маҳалла-кўй Ботиржоннинг ота-оналари шаънига самимий фикрлар айтишди.

— Бу мактуб бошимизни осмонга етказди, — дейди Ҳожиевой ака Холматов. — Айниқса, унинг байрам кунлари келиши, кўпчилик ўқиб, қувонишганини кўрсангиз эди! Бахтиёр эл ишончини оқлаётгани учун ундан ота сифатида беҳад ғурурланиб кетдим.

Бошқа ота-оналарнинг ҳам йигитлик бурчини ўтаётган ўғилларидан ана шундай мактублар келишидан умидвор ҳолда уйларига тарқалишгани шубҳасиз.

Қ. АКБАРОВ, Наманган вилояти.

ДЕЛО ВСЕЙ ЖИЗНИ

Есть люди, которые с первых минут встречи сразу располагают к себе и, кажется, что вы знакомы с ними давным-давно. Такими чертами характера обладает заведующая библиотекой Самаркандского ГДО Эльвира Васильевна Захарова. Знаю я ее почти тридцать лет. Однажды мне нужны были для газеты материалы о женщинах-фронтовичках, удостоенных за свой подвиг высоких наград Родины. И первым человеком, кто помог мне в подборе литературы, была Эльвира Васильевна. Она дала столько материалов, порекомендовала такие интересные справочники, что их хватило бы на несколько статей.

С того дня я и стал постоянным читателем армейской библиотеки, где работала эта увлеченная своим делом женщина. Теперь уже на правах постоянного читателя регулярно встречаюсь с Захаровой в читальном зале ГДО. И за все годы общения с ней убедился, что Эльвира Васильевна — человек до самозабвения влюбленный в свое дело, неутомимый труженик. Когда зайдешь к ней, она постоянно в заботах. То книжную выставку оформляет, то готовится к читательской конференции. Одним словом, никогда не сидит сложа руки.

Особенно много она трудится по подготовке мероприятий, посвященных подвигу народа в минувшей войне. Оно и понятно, дочь офицера-фронтовика Эльвира Васильевна сама уже около сорока лет проработала в армейской библиотеке, и военно-патриотическая тема — одна из ее любимых.

А пришла впервые на работу в библиотеку ГДО Захарова молоденькой девушкой после окончания филфака Самаркандского университета. По ее глубокому убеждению, библиотекарь должен быть для читателя образцом культуры, сам много читать, умело работать с книгой. А главное — творчески пропагандировать лучшие книги молодежи.

Это и делала почти сорок лет в своей библиотеке Эльвира Васильевна. Делала талантливо, творчески. Хотя не всегда ее жизненный путь был усыпан розами, любимая работа спасла. Э. Захарова молода душой и всегда находится в творческом поиске. По богатству материалов ее коллекции о маршале Жукове, Гагарине, Высоцком — лучшие в городе.

Особенно много забот у Эльвиры Васильевны и ее первой помощницы Риммы Васильевны Тереховой (вместе с Захаровой проработавшей более 20 лет) сегодня — ведь совсем немного времени осталось до празднования 50-летия Великой Победы и Захарова хочет, чтобы молодежь, современные воины, побывав на их литературных вечерах, вышли из ГДО с чувством восхищения и благодарности за подвиг, совершенный их отцами и дедами в минувшей войне, хотели бы сами стать похожими на Героев.

А недавно коллеги тепло поздравили Эльвиру Васильевну с еще одним важным событием в ее жизни — 60-летием. Но годы не властны над этой женщиной. Она по-прежнему молода душой, потому что занимается любимым делом.

Древний философ как-то изрек: «Тот, кто не живет для других, не живет и для самого себя». Эти слова как нельзя точно подходят к Эльвире Васильевне. Делу своей жизни она отдает без остатка все свои знания, опыт, душевные силы.

А. ИСЛАМОВ, член Союза журналистов Узбекистана.

● САЛОМАТЛИК — ТУМАН БОЙЛИК

ТААССУРОТГА БОЙ УЧРАШУВ

Яқинда Мудофаа вазирлиги санитария-эпидемиология мутахассисларининг йиғилиши бўлиб ўтди. Унда 1994 йилда эришилган ютуқлар қайд этилиб, жорий йилда амалга оширилиши зарур бўлган муҳим вазифалар белгилаб олинди.

Шахсий таркиб саломатлиги барча нарсадан муҳим. Жисман соғлом солдатда хизматга иштиёқ кучли бўлади. Бор билим ва имкониятларини ишга солган мутахассислар шу эзгу мақсад йўлида бир қанча муваффақиятларни қўлга киритдилар. Чунончи, қуролли химоячилар орасида олдинги йилларга нисбатан гепатит, дифтерия, менингит, ангина ва бошқа касалликлар кескин камайди. Изчиллик билан олиб борилган ишлар натижасида қисм ва бўлинмалардаги санитария-гигиена ҳолатлари яхшиланди. Кийим-бош, озиқ-овқат маҳсулотлари сифати ва таркибига катта эътибор қаратилди. Шунингдек, ошхоналарнинг доимо тоза, озода бўлишига эришилди.

Санитария - эпидемиология врачларининг асосий вазифаси — касалликлар пайдо бўлиши сабабларини ўрганиш ва эрдлик билан уларнинг олдини олишдан иборат. Улар беморлар билан бевосита ишлашмаса-да, хасталикларнинг юзага келиш сабабларини чуқур ўрганиб, уларни бартараф этиш чора-тадбирларини кўрадилар. Бу билан биринчи навбатда инсонлар саломатлиги муҳофаза қилинса, иккинчидан, беҳисоб маблағ сарфланишига йўл қўйилмайди.

Икки кун давомида бўлиб ўтган амалий-синов машғулотларида ёш мутахассислар ўз касб маҳоратларини ошириб, полковниклар М. Мадаминов ва А. Власов, подполковник А. Фозилов, майор С. Ефремов, катта лейтенант И. Жабборов каби тажрибали мураббийлардан керакли маслаҳат, тавсия ва йўриқномалар олдилар.

— Биз бу ерга барча муаммоларга теран кўз билан қараш, уларни келишиб, бамаслаҳат бартараф этиш учун йиғилдик, — дейди тиббиёт хизмати подполковниги А. Фозилов биз билан суҳбатда.

— Бу йиғилиш барчанинг онг-тафаккурида ўз касбига нисбатан масъулият, жавобгарлик хисларини яна-да орттирганига шубҳа йўқ. Йиғилиш натижаси ўлароқ яқин кунларда саккизта соҳага оид ўқув-қўлланмалари чиқарилади. Бу эса уларга ўзига хос дастуриламал бўлиб қолиши мумкин.

Иштирокчиларнинг айримлари билан ҳам суҳбатлашдик. Улар ўз таассуротларини шундай баён этишди:

Фарғона гарнизони санитария-эпидемиология бўлими эпидемиологи, тиббиёт хизмати катта лейтенанти Сарвар Эргашев:

— Бу йиғилишда билмаганларимни сўраб, ўргандим. Шахсий таркибнинг соғлигини назорат қилиш, даволаш бўйича бир қанча методик кўрсатмалар, маслаҳатлар олдим. Бу мен учун катта сабоқ мактаби бўлди.

Термиз гарнизони бактериолог-врачи, тиббиёт хизмати лейтенанти Бахтиёр Умурзоков:

— Таассуротларим катта. Менга асосан Бош давлат санитария врачимиз, тиббиёт хизмати полковниги Маъриф-жон Мадаминовнинг сабоқлари жуда манзур бўлди. Ундан кўп нарсаларни ўргандим. Бундан ташқари ҳар биримиз бу ерда ўз муаммоларимизни қай йўсинда ҳал этиш ҳақида керакли маслаҳат ва йўриқлар олдик.

Эндиликда ҳужжатлардан, чиқарилаётган буйруқ ва қарорлардан вақтида хабардор бўлиб бораман. Олган билимларимни мутахассис дўстларимга ҳам етказаман.

Санитария - эпидемиология мутахассислари йиғилиши жуда мазмунли ўтди. Унда иштирок этиб, ушбу соҳа заҳматкашларининг қуролли ҳимоячиларимиз саломатлиги йўлида доимо фидойи, камарбаста ва изланишда эканликларига амин бўлдим.

Ю. РАСУЛОВ, жамоатчи мухбиримиз.

СЕШАНБА Ўқишдилари

Иброҳим РАҲИМ: «ЯХШИ АСАРЛАР ЖУДА КЕРАК!»

Ўзбекистон халқ ёзувчиси Иброҳим РАҲИМ 1916 йилда туғилган. Оқ финлар, немис-фашистлари ва япон милитаристлари билан бўлган жангларда бевосита иштирок этган. Заҳирадаги майор.

«Чин муҳаббат», «Ихлос», «Тақдир», «Тинимсиз шаҳар», «Фидойилар», «Одам қандай тобланади», «Оқибат», «Генерал Равшанов», «Довон» романлари ва қатор насрий ҳамда драматик асарлар муаллифи. Республика уруш ва меҳнат фахрийлари ташкилотлари қўмитаси кенгашининг аъзоси...

— Иброҳим ака, бугун Сиз оқсоқол адиблар сафидасиз. Ўзбек адабиётига қўшган ҳиссангиз катта. Шу ўринда 1939 йилда дунё юзини кўрган «Баҳодир» поэмангизни, унинг кетидан пайдо бўлган «Юз беш кун тарихи»ни ёзишга туртки бўлган асосий сабаблар нималардан иборат?

— Ҳаётимнинг энг навқирон чоғларини Ватан ҳимоясига бағишлаганман. Жангу жадал ва жанговар ишлар билан ўтган бу шарафли даврмнинг ҳар дақиқаси бир умрга тенг воқеаларга эга бўлди.

Ёдимда, ҳарбий хизматга энг зарур буюмлар қатори иккита қалин катак дафтар билан бешта учи нишланган кимёвий қалам ҳам олиб борган эдим. Ўша дафтарлар билан қаламларни бешотарим ва жанговар ўқларим қаторида кўз қорачиғидай сақлардим. Имкони топилган дақиқаларда шеър машқ қилардим. Аммо биортасини ҳам босишга журъат этолмадим. Ўша дафтар ҳамон сандиқда ётибди. Яқинда варақлаб кўриб, чучмал шеърларимдан ўзим уялдим.

Лекин иккинчи дафтаримнинг сарғайиб кетган варақларидаги сатрларни ўқиб, қалбим яна фахрга тўлди. Бу қалин дафтаримда «Баҳодир», деб аталган поэмамнинг илк қораламаси бор эди.

Фронтда бир қўлимда қурол, бир қўлимда қалам билан жанг қилдим. «Чегарадан ўтган думсиз ит», «Шавлани кавлаганда», «Фалакнинг гардиши» сингари ҳикояларимни ўша вақтда ёзган эдим.

Менинг биринчи ва йирик асарим — «Баҳодир» поэмам ҳам ўша вақтда ёзилиб, республика ёзувчилар союзида эълон қилинган ҳарбий мавзудаги бадиий асарлар конкурсида иштирок этди. У Ўзбекистоннинг 15 йиллигига бағишланганди.

Оқ финлар билан бўлган урушнинг бошидан охиригача иштирок қилдим. «Юз беш кун тарихи», деб аталмиш китобчам оқ финларга қарши жанглар даврида Карелиянинг пастак ўрмонларида, эллик-олтмиш даражали совуқда ёзилган эди. «ДОТ», «ДЗОТ» деган ҳарбий-инженерлик терминлар биринчи марта ўзбек адабиётига ана шу вақтда кирган. Кейин ўзбек ҳарбий адабиёти ҳам пайдо бўлди.

— Сиз жангу жадалларни ўз бошингиздан кечиргансиз. Аввал сапёр, сўнгра фронт газеталарида мухбир, муҳаррир бўлиб, инженерлик ва танк қўшинларида фаолият кўрсатгансиз. Ўша қонли ва суронли йилларда Ғалабага бўлган ишонч ва умид солдат ва офицерларимиз руҳида қандай мужассамлашган эди!

— Ҳаётда шундай воқеликлар юз берадики, оқибати инсон тақдирини белгилайди. Ғалаба йўли нақадар қийин ва оғир йўл бўлганини, ҳар минутда жон олиб жон бериб, 1418 кеча-кундуз гоҳ чекиниб, гоҳ ҳужум қилиб, оловли сўқмоқларни, мина-ю, фугаслар, тикан симли жин кўчаларни кезиб, ДОТ, ДЗОТли, истеҳкомларни ёриб, бомбардимончиларга бардош бериб, зирҳли, даҳшатли ҳарбий машиналарни мажаклаб, пулемёт ўқлари, огнемёт оловларига кўкрак кериб, ўлимга тик бордик.

ДОТдан ўқ узиб турган пулемёт оғзига тик ташланиб, ажал ўтини кўкраги билан ўчирган ва жанговар ротасига йўл очиб берган солдатлар жасоратини ўз кўзим билан кўрганман. Зарурат туғилган паллада фашист самолётига гуфчак уриб гаранг қилган ва шу билан муҳим объектни фашист бомбаларидан асраб қолган учувчиларни шахсан биламан.

Бутун бошлиқ артбатареяда бир ўзи қолиб, фашист «Иўлбарс»лари билан ёлғиз жанг қилган, охирги снарядини ҳам отиб бўлгач, бир бойлам граната билан ўзини танк остига ташлаган ва уни портлатиб, фашист йўлини тўсган баҳодир Шаландинни танир эдим.

Бундай жасоратни такрорлаган юзлаб жангчилар ва командирлар номларини республикада кўплаб зикр қиладилар. Бу оғли зарурат жасорати урушнинг ҳар бир дақиқасида такрорланиб турарди.

Иккинчи жаҳон урушининг энг оғир аравасини биз етакладик ва энг кўп қурбон бердик, кўплаб шаҳарлар вайрон бўлди. Улар-ку тиклаб олинди, бироқ ҳалок бўлган баҳодирларнинг ўрни ҳамон билиниб турибди.

Ярим миллион ўзбек жангчиси ва командири урушдан тирик чиққан эди. Улар ногирон бўлиб, ҳасса таянсалар-да, баданларида қолган қўрғошин ёки темир парчаларининг дардига чидаб, тинчлик фронтининг меҳнат жабҳаларида жонбозлик кўрсатмоқдалар ва «Битсин уруш!» деган шиор билан мустақиллигимизни мустаҳкамлаш ишига ҳисса қўшмоқдалар, Ғалабанинг эллик йиллигини муносиб нишонламоқдалар.

Фронтдан қайтмаган одамларнинг уйларига келган «қора хат»лар унутилиб кетгани йўқ. Улар ота-она, хотин, бола-чақа ва қариндош-уруғлар қалбида қора доғ бўлиб турибди. Қалбларга ўчмас из солган бу доғларни ўтган вақт ҳам, янги-янги воқеа-ю, воқеаликлар ҳам ювиб ташлай олмайди.

— Сиз уч урушда иштирок этган офицер сифатида ҳарбий хизмат, мустақил давлатимиз армияси ва офицеру солдатлар ҳақида фикр билдирсангиз?

— Ўзбекистон Республикасининг Қуролли Кучлари — армияси камол топмоқда. Унда халқимизнинг асил ватанпарвар, Ватанига содиқ фарзандлари, тажрибали офицерлар хизмат қилмоқдалар. Улар ўз она юрти, ўз Ватанига посбонлик қилмоқдалар. Йигитлик бурчи — она-Ватанни ҳимоя қилиш учун жон фидо қилиб астойдил хизмат қилишдан иборат эканини яхши биладилар. «Ватанпарвар» газетасида кунда, кунора бундай фидойи ўғлонлар ҳақида материаллар ўқиб турибмиз.

Аминманки, бизнинг офицер ва солдатларимиз Амир Темур, Заҳириддин Бобур, Миркомил Миршарапов, Собир Раҳимовларнинг анъаналарига содиқ бўлиб, Ватанини мардона ҳимоя қиладилар.

— Сиз ҳарбий мавзуда, озодлик ва ҳалоскорлик тўғрисида кўп ижод қилган адибсиз. «Ватанпарвар» газетасида яқинда чоп этиб тугалланган «Довон» романингиз ҳам шу хусусда...

— «Довон» романим «Генерал Равшанов»нинг иккинчи китоби бўлиб, у 1941—1945 йиллардаги фашизмга қарши урушнинг довони бўлмиш Сталинград эпопеяси ва Курск ёйидаги тарихда мисли кўрилмаган танк жангларига бағишланган. Бу жангларда ҳам ўзбек халқининг ўғлонлари баҳодирлик кўрсатиб, Ғалаба сари довон ошдилар.

«Ватанпарвар» газетаси бу асарни тўла чоп этиб, савобли иш қилди. Роман ҳақида китобхон солдат ва офицерлардан яхши фикрлар битилган кўплаб мактублар олдим. Бу яхшиликларни «Ватанпарвар» редакцияси ходимларига бағишлайман!

— Сизни халқимиз журналист-муҳаррир, адиб, сценарист, жамоат арбоби ва уруш фахрийси сифатида яхши танийди ҳамда ҳурмат килади. Сиз нима дейсиз, публицистика ва бадиий адабиётда бундан буён ҳам ҳарбий мавзу долзарблигича қолармикин?

— Биз — уруш иштирокчилари бўлмиш ёзувчилар жанггоҳларда қурбон бўлганлар руҳи олдида ҳам, ҳозирда ҳаёт фронт фахрийлари олдида ҳам ўзимизни қарздор, деб биламиз. Қолаверса, ниҳоятда мураккаблашиб кетган халқаро аҳвол туфайли уруш чиқармоқчи бўлганларга ҳам ўша давр сабоқларини эслатиб туришимиз керак!

«Китобхон эътиборини ва ишончини қозонмоқчи бўлсанг, ҳеч бўлмаса бир ҳафта ўз қаҳрамонларинг орасида яшаб кўр. Иштирокчига кўзи билан кўрган кишидан кўра кўпроқ, ўз кўзи билан кўрган кишига тарихчидан кўра кўпроқ, тарихчига эса материал тўпловчидан кўра кўпроқ ишонадилар. Ҳарбий ёзувчилик касбгина эмас, шу билан бирга ҳаёт образи ҳамдир», — деган эди бир мумтоз ёзувчи. Жуда ҳаққоний гап. Уруш қаҳрамонларининг ҳаёти ҳақида уруш иштирокчиларигина жанг ҳақиқатини, окоп ҳақиқатини ҳаққоний қилиб ёзиши мумкин.

Уруш сабоқлари тўғрисида яхши асарлар жуда керак. Негаки, биз фашизм устидан қозонилган Ғалабанинг меросхўрларимиз. Айниқса, мустақил давлатимиз Қуролли Кучларининг қаҳрамон ота-боболарининг Ғалаба қилиш анъаналарини эгаллаши учун бу китоблар ўта зарур.

— Оилангиз аъзолари, уларнинг қизиқишлари (ишлари) ва, албатта, ҳарбий ҳаётга муносабатлари ҳақида ҳам икки оғиз фикр баён этсангиз?

— Турмуш ўртоғим Марҳамат Шаропова шифокор. У медицина хизмати катта лейтенанти, пенсионерка, ҳозир етмиш ёшда. Аммо ҳамон набиралари, қариндош-уруғ болаларини даволайдиган педиатр. Болалар қатори мени ҳам даволаб туради. Икки қизим бор. Зуҳрахон Раҳимова Санъатшуносликинститути доценти, Юлдузхон Раҳимова эса Шарқшуносликинститутида араб тили мутахассиси — ўқитувчи. Ҳозир Қоҳирада стажёрликни ўтаяпти.

Ўғил кўрмаганмиз. Бир бегонанинг боласини асраган эдик, қанча яхшилик қилсак-да, у тарбия ола билмай биздан узоқлашди. Набираларимиз кўп. Ярми студент, ярми мактаб ўқувчилари.

— Халқ айтмоқчи бу кунларга етганлар бор, етмаганлар бор. Тўғрироғи, Сизнинг сафдошларингизнинг жуда кичик қисми Ғалабанинг 50 йиллик шонли байрамига омон етиб келишди. Ўтганларнинг руҳи шод бўлсин. Ҳаммангизга буюк Ғалабанинг буюк байрами муборак бўлсин. Сизга, сафдошларингизга сиҳат-саломатлик рўшнолигини ва узоқ умр тилаб қоламиз.

Суҳбатдош:
Э. ХУДОПБЕРДИЕВ,
профессор.

Изучаем узбекский язык
Ўзбек тилини ўрганамиз

10-урок — 10-дарс

Содержание урока: настоящее-будущее время глагола.

Настоящее время глагола выражает действие, которое происходит в момент речи и имеет 2 формы: настоящее-будущее время (ҳозирги-келаси замон), настоящее-длительное время (ҳозирги замон давом феъли).

Настоящее-будущее время употребляется в двух значениях.

1) Когда действие происходит регулярно, постоянно, естественно по своей природе: Мы живем в Узбекистане. — Биз Ўзбекистонда яшаймиз. Мы служим в армии.— Биз армияда хизмат қиламиз.

2) Когда действие непременно происходит в будущем (преимущественно в ближайшем будущем): Завтра вы поедете на полигон? — Эртага полигонга борасизми? Обед начнется в час дня. — Тушлик соат 13 да бошланади.

Если вы обратили внимание, в глаголах яшаймиз, қиламиз, борасизми, бошланди употреблены аффиксы — **-а, -й.** Настоящее-будущее время глагола образуется с помощью аффиксов — **а** (когда основа глагола оканчивается на согласный) и **-й** (после гласных):

бормоқ — бор-а-ман (идти — иду).
Я каждый день иду на работу по этой дороге.
Мен ҳар куни шу йўлдан ишга бораман.
ўқимоқ — ўқи-й-ман (читать — читаю, буду читать; учиться — учусь, буду учиться).
Я учусь в военной академии. — Мен ҳарбий академияда ўқийман.

Из предыдущих уроков вам уже известно, что настоящее-длительное время глагола образуется с помощью аффикса **-яп** и личных аффиксов спряжения. Сравните:

настоящее-длительное время	настоящее-будущее время
бор-яп-ман (иду)	бор-а-ман (иду)
бор-яп-сан (идешь)	бор-а-сан (идешь)
бор-яп-ти (идет)	бор-а-ди (идёт)
бор-яп-миз (идем)	бор-а-миз (идем)
бор-яп-сиз (идете)	бор-а-сиз (идете)
бор-яп-тилар (идут)	бор-а-дилар (идут)

Из приведенного примера видно, что настоящее-будущее время глагола в I и II лице единственного и множественного числа имеет такие же личные аффиксы спряжения, как настоящее-длительное время. Разница в III лице: у настоящего-будущего времени личный аффикс **-ди(лар).**

Итак, когда речь идет о том, что действие совершается в момент речи, употребляется аффикс **-яп** (есть и другие аффиксы), а когда речь идет о действии, не ограниченном пределами времени, происходящем регулярно, употребляются аффиксы **-а, -й:**

У хат ёзяпти.— Он пишет письмо (нас.-длит. время)
У чап қўлида ёзади. — Он пишет левой рукой (нас.-б. вр.).
Мен китоб ўқияпман. — Я читаю книгу (нас.-длит. время).
Мен институтда ўқийман. — Я учусь в институте (нас.-буд. время).

Отрицательная форма настоящего-будущего времени глагола образуется с помощью аффикса **-ма**, который присоединяется к основе глагола:

бормоқ—бор-ма-й-ман (я не пойду)
ўқимоқ — ўқи-ма-й-ман (я не читаю, я не учусь).

Вопросительная форма настоящего-будущего времени образуется с помощью частицы **-ми**, которая ставится после личных аффиксов спряжения:

бормоқ — бор-а-ман-ми?, бор-ма-й-ман-ми?
ўқимоқ — ўқи-й-ман-ми?, ўқи-ма-й-ман-ми?

Задание: используя свой словарный запас и словарь, переведите на узбекский язык в настоящем-будущем времени:

1. Мы любим (защищаем) свою Родину. 2. Где ты будешь работать после армии? 3. Мы не хотим войны. 4. Вы умеете водить танк? 5. Вы любите читать книги? 6. Да, я люблю читать. 7. Что делают солдаты в армии? 8. Они охраняют (защищают) Родину.

Прочитайте правильно и запомните:

— Ассалому алайкум.— Ваалайкум ассалом.
— Аҳволингиз қалай? — Раҳмат, яхши. (Как поживаете? — Спасибо, хорошо).
— Тузукмисиз? (Так спрашивают у тех, кто поднялся с постели или вышел на работу после болезни). — Тузукман. (Хорошо чувствую себя). Бир оз тузукман. (Чувствую себя немного лучше). Ўртача. (Состояние среднее). Зўр. (Отлично).

Словарь падежных вопросов:

Кто? — Ким? Что? — Нима?
Кого? — Кимни? От кого? — Кимдан?
Кому? — Кимга? Куда? — Қаерга?
У кого? (имеется) — Кимда? Где? — Қаерда?
У кого? (взял) — Кимдан? Откуда? — Қаердан?

Э. ГАЙИБНАЗАРОВ, доцент.

АНДРЕЙ ТАРАНЕНКО

КАНДИДАТ В КОММАНДОС

(Продолжение. Начало в предыдущих номерах).

«Может, это усатый вернулся?».

Рорабек осторожно нащупал фонарик, взял правой рукой и, неожиданно распрямившись, ударил ботинком в черный силуэт, целясь прямо в голову.

Незнакомец отлетел назад, попытался вскочить.

Рорабек направил ему в лицо луч фонарика.

— Стой, стреляю!— Вороненый кольт парализующе блеснул в руке сержанта.— Руки вверх, а то снесу голову!

— Я замер и не дышу!— прохрипел незнакомец.— Ты ошибся, парень! Я не охочусь за тобой.

Рорабек рассмотрел незнакомца: маскировочный костюм грязен, коленка ободрана. Лицо заросло немытыми космами. Прямо дикарь, а не солдат самой богатой, процветающей страны...

— Медальон! — Рорабек протянул руку. — Или предложишь визитную карточку?

Незнакомец снял с шеи медальон, отдал Рорабеку, продолжая коситься на пистолет.

— Клейтон Кейт,— прочитал Рорабек.— Специальная группа «Орегон».

Он недоверчиво взглянул на Клейтона Кейта, пытаясь понять, призрак перед ним или человек.

— Да, парень. Я действительно сержант Кейт из команды 97 спецгруппы «Орегон». Единственный, кто уцелел.

— Целых восемь лет...— сержант спрятал пистолет.— Немыслимо. Робинзон Крузо...

— Да, я высадился в сельве, когда здесь бегали голые индейцы, ловили копьями рыб и заряжали духовые трубки иглами с ядом кураре.

— Джон Рорабек! Сержант!

— Молодец, сержант! Хорошо меня ткнул! Мастер!

Теперь Кейт действительно расслабился: вытащил из кармана сухарь и принялся грызть, искоса поглядывая на термос.

— Кофе?— предложил Рорабек.— Или заварить чай?

— Я выпью кофе,— согласился ветеран.— Нас выбросили здесь, чтобы мы расчистили вам дорогу.

— Я это знаю,— сержант утвердительно кивнул. — Только не слышал подробностей.

— Командование выбрало это место потому, что будто бы сам председатель комитета начальников штабов (так говорили) ткнул в карту пальцем. Да! Он воткнул палец в топографическую зелень, и это предрешило нашу судьбу.

— Почему?

— Потому, что эти земли принадлежали индейцам племени орианов, самому воинственному племени в сельве.— Кейт выхлебал кофе.— Мы напали на них первыми... Рев вертолетов, сброшенный груз, канаты... Свист ветра, прыжок в темноту. Все это ты знаешь. У них религиозный праздник... Феллер стреляет из гранатомета — реактивная граната взрывается в центре круга. Во все стороны летят головы, руки, ноги... Индейцы занимают оборону, мы поджигаем сельву. Они бегут в огне, мы косим их из автоматических винтовок. Прямо как во Вьетнаме.

— Что было дальше?

— А дальше... Дальше ориаиы объявили нам войну. Оказалось, их лучшие воины пошли на соседнее племя. Через неделю они вернулись, обнаружили вместо хижин дымящиеся головешки. А мы продолжали прочесывать район...

— Вас начали истреблять.

— Верно. Отравленные стрелы разят мгновенно. Яд парализует речь — человек умирает без звука.

— Сколько времени шла война?

— Около шести месяцев.

Ориаиы охотились на нас, как на кабанов. Пока мы не изучили сельву, индейцы имели над нами явное преимущество. Зато когда нам прислали очки ночного видения, мы стали бить их в кромешной тьме, внушая мистический ужас.

— С этого момента индейцы были обречены?

— Именно! Победила техника! Когда мы применили парочку наших мин, индейцы стали лазить по деревьям. Затем мы заразили сельву черной оспой, отравили водоемы. Поняв, что тягаться с цивилизацией белого человека непродуктивно, последние ориаиы ушли на юг — в сторону экватора. К этому времени в живых нас осталось только семеро.

— Потрясающе! — Рорабек помолчал, переваривая рассказ. — Только семеро! А как?..

— Мгновенно! — угадал вопрос Клейтон Кейт. — Взорвалась радиомина, когда мы сидели на рюкзаках. Меня зашвырнуло в кусты. Когда я очнулся, увидел майора Труппера, который вместе с капралом Паркинсом копались в останках ребят. Я видел, как Труппер нашел планшет капитана Портера, как увлеченно листал документы. Он еще произнес: «Господь избавил нас от необходимости убивать каждого в отдельности». Да, Рорабек! Майор так и сказал! Именно поэтому я не вылез из кустов, а выжидал, когда они уберутся на своем вертолете!

— Что же это значит, Кейт?

(Продолжение следует).

● К 50-ЛЕТИЮ ПОБЕДЫ

ДАНЬ ПАМЯТИ

Большая группа ветеранов корпорации «Узавтотранс»— участников битвы с фашизмом, со всех концов республики собралась в Ташкенте на празднование 50-летия Великой Победы. Утром 28 апреля они возложили венок к могиле Неизвестного солдата на столичной площади Мустакиллик и минутой молчания почтили память тысяч узбекистанцев, представителей других стран, отдавших свою жизнь в борьбе с фашистским варварством.

В годы войны многие автомобилисты республики воевали на полях второй мировой войны, принимали участие в битве за Москву, Сталинградском сражении, освобождали порабощенные страны Европы, участвовали в штурме Берлина.

На площади Дружбы народов был дан старт автопробегу по дорогам Ташкентской области, посвященному 50-летию Великой Победы.

На торжественном собрании в честь знаменательной даты ветеранам войны и труда были вручены специальные памятные нагрудные знаки корпорации «Узавтотранс», Почетные грамоты.

В. ПРУГЕР,
корр. УзА.

КРОССВОРД



ПО ГОРИЗОНТАЛИ: 1. Человек, летающий в космос. 8. Средство для переправы через реку. 9. Житель низовий Дона, Кубани, Терека. 11. Самолет с тремя плоскостями. 13. Военный корабль. 15. Воен. и администр. должность в царской армии. 17. Большой военный корабль. 18. Способ военных действий в изоляции связей противника со своими войсками. 19. Боевая повозка времен гражданской войны. 20. Место размещения самолетов, машин. 23. Завоз товаров из-за границы. 26. Метательное оружие Древней Греции. 28. Прибор для измерения расстояния. 29. Скопление льда на реке. 30. Сигнал о прекращении действий для отхода ко сну. 31. Род войск в старое время.

ПО ВЕРТИКАЛИ: 2. Проверка состояния военной техники, оружия. 3. Орудие для навесного боя. 4. Невзрывное противотанковое заграждение. 5. Участник походов из скандинавских стран. 6. Личное оружие. 7. Жидкость для смазки двигателей. 10. Процесс преследования проступка. 12. Двухкорпусное судно. 14. Нулевая отметка на фундтоках водомерных постов. 16. Вид военных действий против наступления противника. 21. Головной убор. 22. Бросок гранаты. 24. Летчик. 25. Светящееся направление полета пуль, снарядов. 26. Солдатская обувь. 27. Итог, ситуация, сложившаяся после войны.

Победы еще впереди

То, что матч «Навбахор» — МХСК будет центральным в шестом туре, было предопределено еще при составлении календаря. И он оправдал ожидания болельщиков, превзойдя по содержанию игры, накалу страстей и напряженню матч в Фергане, где встречались «Нефтчи» и «Согдиана». Впрочем, у этой встречи был еще и свой внутренний подтекст. «Навбахор» после неудач на старте чемпионата не имел права проигрывать. Эта игра была последним шансом наманганцев доказать своим болельщикам, а главное — самим себе, что не все еще потеряно и «осечки» на старте—пройденный этап.

Армейцы же, воодушевленные удачей после крупного выигрыша у «Нурафшона», были и в этот день настроены только на победу.

Встреча началась с обоюдоострых атак. Обе команды, без всякой разведки, ринулись искать счастья у чужих ворот. Об этом говорит и тот факт, что если армейцы первый угловой подали на второй минуте, то уже на третьей это право получили наманганцы.

На седьмой минуте, после вбрасывания мяча из-за боковой Нумон Хасанов головой переправил мяч вдоль ворот, оставив не у дел вратаря и защитников «Навбахора». К сожалению, рядом не оказалось партнера, который бы завершил эту острую передачу.

У МХСК, как всегда, ведет вперед своих товарищей капитан команды Нумон Хасанов. Вот он, на ходу обыграв трех защитников, прорывается в штрафную, но не успевает сделать нацеленную передачу. Остро играет Мухтар Курбанов, буквально с 5 метров расстреливая ворота «Навбахора», но на пути мяча оказывается защитник. Как всегда неутомим Ойбек Усманходжаев, стремясь увеличить число забитых мячей.

Роковой оказывается для армейцев 40-я минута матча. Небольшая растерянность возникла в их защитных рядах, чем и воспользовался нападающий хозяев Азамат Абдураимов, послав мяч с близкого расстояния в сетку ворот.

Но армейцев этот гол не сбивает с ритма. Уже через минуту Мухтар Курбанов выходит один на один с вратарем, и вновь неудача.

Наши футболисты постепенно увеличивают давление на ворота «Навбахора». И на 70-й минуте добиваются-таки успеха. Февзи Давлетов, обыграв защитника, неожиданно и сильно пробивает по воротам. Вратарь наманганцев Дмитрий Башкевич не сумел удержать мяч, и Алишер Отаджанов несильным ударом в угол ворот забивает ответный гол.

Обоюдоострая игра продолжается до последней минуты матча. Обе команды могли склонить чашу весов на свою сторону, но счет так и не изменился. Что же, соперники были достойны друг друга, и ничью эту можно было бы назвать «боевой», если... Если бы не учитывать то, что при нынешней системе подсчета очков армейцы потеряли два очка, хотя и сохранили четвертую строчку таблицы за собой. И все же, я бы не стал драматизировать ситуацию. «Навбахор», с его подбором игроков, соперник сильный. Радует, что наши футболисты, не сникли после пропущенного гола, продолжали атаковать, навязывая хозяевам свою игру. А это уже показатель зрелости команды, ее уверенности в себе. И значит, победы еще впереди.

Майор К. ЖАББАРОВ.

Результаты остальных встреч шестого тура: «Динамо» — «Навруз» — 0:0, «Янгиер» — АСК — 3:0, «Чирчик» — «Пахтакор» — 1:3, «Машъал» — «Политотдел» — 2:0, «Нефтчи» — «Согдиана» — 5:1, «Нурафшон» — «Темирйўлчи» — 3:1, «Атласчи» — «Трактор» — 1:0.

Положение команд на 2 мая.

	И	В	Н	П	М	О
«Нефтчи»	6	6	0	0	20—3	18
«Пахтакор»	6	4	1	1	14—6	13
«Нурафшон»	6	4	0	2	12—9	12
МХСК	6	3	2	1	10—4	11
«Согдиана»	6	3	1	2	12—8	10
«Трактор»	6	3	0	3	5—6	9
«Атласчи»	6	3	0	3	7—11	9
«Янгиер»	6	2	2	2	8—6	8
«Навруз»	6	2	2	2	6—7	8
«Навбахор»	6	2	2	2	5—6	8
«Машъал»	6	2	1	3	4—9	7
«Темирйўлчи»	6	2	0	4	5—10	6
«Чирчик»	6	1	2	3	5—9	5
«Динамо»	6	1	2	3	2—10	5
АСК	6	0	3	3	7—12	3
«Политотдел»	6	0	2	4	6—12	2

Бош муҳаррир подполковник
И. Қ. АБДУҚАРИМОВ.

АДРЕС РЕДАКЦИИ: ИНДЕКС 700031, г. ТАШКЕНТ, ул. Д. КУНАЕВА, 21 — ТЕЛЕФОНЫ

Зам. редактора — 56-17-98; отв. секретарь — 56-04-60. Отделы воинской службы и воспитательной работы — 69-45-55; по связям с государственными и общественными организациями — 56-02-49; массовой работы и спорта — 56-08-72; культуры и организации досуга — 56-03-48; социологии и рекламы — 56-54-76; подписки — 56-03-46; заказов — 56-18-44. Начальник издательства — 56-04-90; дежурный — 56-09-81; бухгалтерия — 56-03-82.

Письма, рукописи, фотографии и рисунки не рецензируются и не возвращаются. За достоверность фактов ответственность несет автор.

Позиция редакции может не совпадать с точкой зрения авторов публикуемых материалов.

Типография газеты «Ватанпарвар».
Газета зарегистрирована в Государственном комитете Республики Узбекистан по печати. Рег. № 50.
Заказ № 0209.